



ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

5141400 хорижий тиллар ва адабиёти (олмон тили) таълим йўналиши

402- гуруҳ талабаси Жумагул Мирабдуллаеванинг бакалавр даражасини

олиш учун **“НЕМИС ТИЛИДА СЎЗНИНГ ФОНЕТИК, МОРФОЛОГИК
ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ”** мавзусида ёзган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: М.Р. Мирзакаримов

Андижон - 2014

МУНДАРИЖА

I. Кириш.....	
1.1. Мавзунинг долзарблиги.....	
1.2. Мавзу ўрганилганлик даражаси.....	
1.3.БМИнинг илмий янгилиги.....	
1.4. БМИнинг мақсад ва вазифалари.....	
1.5. БМИнинг предмети ва объекти.....	
1.6. БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари.....	
1.7. БМИнинг методологик асоси.....	
1.8. БМИнинг амалий аҳамияти.....	
1.9. БМИ натижаларининг амалиётда синалганлиги.....	
1.10. БМИ структураси.....	

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Тил системасида сўзнинг ўрни.....	
2.2. Немис тилида сўзнинг фонетик хусусиятлари.....	
2.3. Немис тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари.....	
2.4. Немис тилида сўзнинг семантик хусусиятлари.....	

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар

НЕМИС ТИЛИДА СЎЗ ВА УНИНГ ФОНЕТИК, МОРФОЛОГИК ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р Е Ж А

I. Кириш

- 1.1. Мавзунинг долзарблиги
- 1.2. Мавзу ўрганилганлик даражаси
- 1.3. БМИнинг илмий янгилиги
- 1.4. БМИнинг мақсад ва вазифалари
- 1.5. БМИнинг предмети ва объекти
- 1.6. БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари
- 1.7. БМИнинг методологик асоси
- 1.8. БМИнинг амалий аҳамияти
- 1.9. БМИ натижаларининг амалиётда синалганлиги
- 1.10. БМИ структураси

II. АСОСИЙ ҚИСМ

- 2.1. Тил системасида сўзнинг ўрни
- 2.2. Немис тилида сўзнинг фонетик хусусиятлари
- 2.3. Немис тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари
- 2.4. Немис тилида сўзнинг семантик хусусиятлари

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

1.1. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви ўзбек номини бутун дунёга танитган юртда илм – маърифатнинг ривожига, таълим – тарбиянинг келажаги буюк давлат учун мустахкам пойдевор бўлишига имкон яратди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим – тарбия, маънавий – маърифий ишлар давлатимизнинг сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадрятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланадиган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир – оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.¹

“Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “манавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин.”²

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.³

¹ Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 4-бет.

² Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 20-бет.

³ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент . Шарқ, 1998. 5-бет.

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзонидир.⁴

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омиллардан бири – бу таълим – тарбия тизимидир.

Маълумки, ота боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму – маърифат, таълим – тарбияни, инсон камолоти ва миллий равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Албатта таълим – тарбия онг маҳсули, лекин айтилиши вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб – қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш-

⁴ Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 19-бет.

таълим- тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди- бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизими ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илнжида техникум ёки институтларга кирар эди.⁵

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм- фан, касб- ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар давомида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам – бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Таълим – тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда Юртбошимиз жаҳон тажрибаси ва ҳаётда кўп бор ўзини оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдилар.

⁵Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 63-бет.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт – шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб – ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки – уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг – минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу – интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Энг муҳими шундаки, “портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиш билан биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш биз учун кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури” қабул қилинди.⁶

Шунингдек, давлат таълим стандартлари жорий этилди. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб- ҳунар ва оилий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.⁷

Ушбу дастурга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш,

⁶ Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 64-бет.

⁷ Таълим тўғрисидаги қонун. 1- бўлим 7- модда. 1997- йил 29- август.

ўқувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда.

2012 йил декабр ойида “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси Президентининг қарори ва бу борада қилинаётган ишлар ҳам таълим самарасини оширишга қаратилган.

Ушбу қарорда республикаимизнинг барча ҳудудида чет тилларни биринчи синфдан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади. Умумтаълим мактабларида 1-синфдан чет тили ўқитилиши тажриба сифатида йўлга қўйилди. Олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техника ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши белгилаб берилган. Буларнинг барчаси сизу биз, бўлғуси немис тили ўқитувчиларига ҳам улкан маъсулият юклайди.⁸

1.2. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Юқорида таъкидланганлигидек мавзуни тадқиқ қилиш учун германистлар олимлар маълум ишларни амалга оширганлар, аммо бу ишларнинг барчаси рус, олмон ва қисман ўзбек тилида қиёсий ёритилган. Олмон тили лексикасига, олмон ва ўзбек тиллари қиёсига бағишланган адабиётлар бизнинг тадқиқотимиз учун асос бўлиб хизмат қилди ва маълум бир аниқ тадқиқотлар олиб боришга имкон яратди.

1.3. Мавзунинг илмий янгилиги: “Немис тилида сўз ва унинг фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари” номли мавзуси юзасидан олмон ва ўзбек тиллари система шаклда ўрганилмоқда, бу система ичида сўзнинг хусусиятлари таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, ушбу бирликларнинг хорижий тил, яъни олмон тилига ўргатиш ва ўрганишда катта аҳамияти таъкидланмоқда.

⁸ Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида. Андижоннома 2012 йил 15 декабр

1.4. БМИнинг мақсад ва вазифалари. Мавзуни тадқиқ қилишдан мақсад ва вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади: олмон ва ўзбек тилларида иккинчи даражали бўлақлар муаммоларининг ечилиши ва уларни олмон тили ўқитишда қўлланишини ўрганиш.

1.5. БМИнинг предмети ва объекти. Битирув малакавий ишнинг предмети олмон ва ўзбек тилларида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини ўрганишдир. БМИнинг объекти ҳозирги замон олмон ва ўзбек тиллари синтактик системаси.

1.6. БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари. Битирув малакавий ишининг мавзуси “Немис тилида сўз ва унинг фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари” дир. Шу сабабдан битирув малакавий ишини тадқиқ қилиш жараёнида мавзуга оид адабиётлар ўрганилди, таҳлил қилинди, қиёслаш методидан фойдаланилди. Йиғилган материаллар таҳлил қилинди, олмон ва ўзбек тилидаги фарқли ва ўхшаш томонлари, ва олмон тилини ўқитишда қўлланилиши кўриб чиқилди

1.7. БМИнинг методологик асоси. Малакавий ишнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таълим тўғрисидаги фармонлари, фикрлари ва кўрсатмалари, “Таълим тўғрисидаги” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, давлат таълим стандартлари 1875 сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарор олинди.

1.8. БМИ нинг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий ишда ёритилган мавзуни кейинги педагогик фаолиятда қўллаш мумкин. Мактаб, коллеж ёки академик лицей ўқувчиларининг ва талабаларининг малака ва кўникмаларини оширишда ҳам катта аҳамияти катта.

1.9. БМИ натижаларининг амалиётда синаганлиги. БМИ бажариш учун кўплаб назарий ва амалий материаллар тўпланди. Айниқса, олмон тилидаги сўзнинг ўзига хос фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари Андижон шаҳридаги 14 - умумтаълим мактабидаги амалиёт даврида олмон тили дарсларида қўллашга муваффақ бўлдим. Тўпланган барча материаллардан

хорижий тиллар факультетининг назарий ва амалий дарсларида ҳам фойдаланса бўлади.

1.10. БМИ структураси. Ушбу битирув малакавий иши 4 бўлимдан иборат: 1. Кириш. 2. Асосий қисм. 3. Хулоса 4. Фойдаланилган адабиётлар.

БМИ нинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, БМИнинг илмий янгилиги, БМИнинг мақсад ва вазифалари, БМИнинг предмети ва объекти, БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари, БМИнинг методологик асоси, БМИнинг амалий аҳамияти, БМИ натижаларининг амалиётда синалганлиги, БМИ структураси кабилар берилган.

Асосий қисм эса 5 бобдан иборат:

1. Тил системасида сўзнинг ўрни
2. Немис тилида сўзнинг фонетик хусусиятлари
3. Немис тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари
4. Немис тилида сўзнинг семантик хусусиятлари

Шунингдек, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати – асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан иборат.

2.1. Тил структурасида сўзнинг ўрни

Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир. Мана шу қисқа, лекин чуқур мазмунли жумлада тилнинг ижтимоий моҳияти, унинг функцияси тўла ўз ифодасини топган. Тил оддий алоқа воситаси эмас: тил — кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси; тил — алоқанинг кишилиқ формаси. Ҳақиқатан ҳам, кишилар ўзаро алоқада турли воситалардан фойдаланадилар. Лекин булар ичида тил — энг муҳими. Тил фақат кишиларгагина хос, у фақат кишилар алоқаси учун хизмат қилади.

Тилнинг белгилари уни алоқанинг бошқа воситаларидан фарқлаш, тилни ижтимоий ҳодиса сифатида характерлаш имконини беради. Умуман,

тил кишилиқ алоқасининг энг муҳим воситаси сифатида жамият билан, унинг маданияти, турмуши ва меҳнат фаолиятида тилдан кенг ва ҳар томонлама фойдаланиб келаётган барча аъзолари билан узвий алоқадор. Тилнинг жамиятдаги бу функциясини унинг жамият, киши онги ва фикрлаш қобилияти билан алоқасини аниқламай туриб, тил системаси, унинг бирлик-лари ва категорияларини чуқур англаб бўлмайди.

Кишилар ўзаро алоқада ўз фикрларини, истакларини, сезги ва руҳий кечинмаларини ифода қилиб, бир-бирларига таъсир қиладилар, бир-бирларини тушунадилар. Тилнинг жамиятда алоқа қуроли вазифасини бажариши унинг **коммуникатив** функциясини ташкил қилади. Бу тилнинг асосий ижтимоий функциясидир. Бундан ташқари, тил экспрессив ва аккумулятив функция бажаради.

Тилнинг маълум информация ифода қилиб, суҳбатдошга таъсир кўрсатиши унинг **экспрессив** функцияси дейилади. Хабар, сезги ва эмоция, хоҳиш ифода қилиш биргаликда тилнинг экспрессивлик функциясига қиради. Бунда тилнинг турли воситаларидан, масалан, модал сўзлар, риторик сўроқ, тартиб қабиладан фойдаланилади.

Тил фақат айрим шахсларнинг алоқа воситаси бўлмай, миллатлараро алоқа қуроли, тўпланган тажриба ва билимларни келажак авлодга етказиш воситаси ҳамдир. Тилнинг бу функцияси унинг аккумулятив (латинча *assimilare* — тўплаш) функцияси ҳисобланади. Бу **гнесеологик** (билиш процесси) функция деб аталади.

Ижтимоий ҳаётни белгиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамлар бир-бирлари билан ўзаро имо-ишора, товушлар, махсус сигналлар, ёзув ва тил белгилари орқали мулоқотда бўлишади. Шундай экан, тарихан ўзига хос белгилар системаси мавжудлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳодисадир. Ушбу белгилар таълимоти билан умумий семиотика фани шуғулланади ва белги турлари, хусусиятлари ҳамда уларнинг бир-биридан фарқини ўрганади, функцияларини таҳлил қилади. Мисол учун тўй бўлаётган кўча бошига қизил, мотам маросими ўтказилаётган жой ёқинига кўк матонинг илиб

кўйилиши, оқ кийди, кўк кийди каби маросимлар ўтказилиши, кўл, қош, юз ифодалари билан (қош қоқди, юз бурди, кўл силкиди) мулоқотга киришиш бошқа халқлар қатори ўзбек халқида ҳам мавжуд. Юқорида эслатилганидек, лисоний-вербал белгилар билан бир қаторда яна бошқа белгилар, масалан, ҳуёди «Лоцман байроқлари»дай новербал белгилар ҳам мавжуд.

Лексикология фанининг махсус қисмларидан бири - **семантика** лисоний белгиларнинг маъносини ўрганувчи таълимотдир. Умуман олганда лисоний белгилар белгиларнинг бир қисми бўлганлиги учун семантика семиотиканинг, яъни белгилар ҳақидаги таълимотнинг бир соҳасидир. Семантика тилшунослик-нинг мураккаб, кенг қамровли соҳаларидан бири бўлиб, у фалсафа, мантиқ, математика ва қатор бошқа соҳалар билан узвий алоқа нуқталарига эга. Семантика тушунчаси биринчи бўлиб 1880 йилда Михаил Бреал (1832-1915) томонидан ишлатилган. Ф. де Соссюрнинг фикрича, «семантика» эскирган «семасиология» терминидан ажралиб чиққан.

Семантика бизни ўраб турган реал олам ва тил ўртасидаги «кесишган нуқта» (Schnittstelle), махсус бўлим сифатида кўрилиши мумкин. Бунда бу масаланинг қуйидаги ўзига хос муаммолари мавжуд, яъни инсон ўзи яшаб турган олам предмет ва ҳодисаларини тил орқали қай тарзда ифода қилади, лисоний белги бошқа бир нарса учун мавжуд, аммо бу «бошқа нарса» табиатига кўра ўзи нима – фикрми, нарсами ва, ниҳоят, белги ва белгиланган нарса орасидаги муносабат қандай шаклланади, ёеган саволларга жавоб топиш талаб этилади. Масаланинг моҳияти шунда.

Ф. де Соссюр фикрига кўра «бу бир нарса психик (рухий) тасаввурдир». У лисоний белгини қуйидагича ифодалайди:




мазмун (Inhalt)

хат (Brief)

ифода (Ausdruck)

Биз яна бошқа нарсалар, ҳодисалар, истаклар ва нореал хоҳишлар ҳақида психик тасаввур қилишимиз мумкин. Албатта, Соссюр ушбу оăдий моделни ортиқ тарғиб қилмади ва замондошлари томонидан бу модель жуда тор тушунча сифатида танқид остига олинди.

Аслида реал олам яхлит ҳолатда мавжуд, лисоний белгиларнинг асосий муаммосини гавдалантирувчи масала ҳам ана шундан иборат. Белгиларнинг биз яшаётган реал борликка муносабати қандай, нимага асосланган, қандай ташкил этилган аёган муаммолар ечими америкалик Ч.Огден (1889-1937) ва У.Ричард (1893-1979) томонидан 1923 йилда чоп этилган машхур «Маънонинг маъноси» (“Die Bedeutung der Bedeutung”) асарида очиб берилган. Улар томонидан ҳозирги замонда ҳам тилшунослар эътироф этиб келаётган **семиотик учбурчак** лойиҳаси тавсия этилган:



Бу лойиҳадаги эллипс шакл Соссюр моделини символлаштиради. Огден ва Ричард томонидан ривожлантирилган референт алоқа масаласининг моҳияти шундаки, лисоний белги тўғридан-тўғри нолисоний объектларга қаратилмайди (символдан референтга йўналтирилган кесик чизиқларга эътибор беринг), балки айланма тасаввур орқали «хат» (Brief) белгиси ўзининг моъдий жисми ва тасаввури (маъноси) билан бир қаторда нолисоний объектни ҳам кўрсатмоқда.

Тилда бир қатор лисоний белгилар борки, уларда маъно ва тасаввурлар мавжуд, лекин референт мавжуд эмас. Масалан, қиёсланг: виждон, Ehre, Dionysos ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Соссюр, Огден ва Ричардларнинг белги моделлари ҳақидаги қарашлари ягона қараш эмас. Соссюрдан ҳам аввалроқ ҳозирги кунда фалсафий прагматиканинг асосчиси сифатида тан олинаётган америкалик файласуф Чарльз Пирс (1839-1914) юқорида тилга олинган масалаларда ўз фикрларини айтган ҳамда лисоний прагматиканинг шаклланишига катта ҳисса қўшган.

Пирснинг фикрича, белгиларнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар реал олам билан ўзаро алоқадорликнинг тури ва ҳолатига кўра фарқланади.

Биринчи тур белгилар **иконлардир (Ican)**. Бундай белгиларда белгиланаётган нарсага бўлган муносабат репрозитив муносабат, яъни ўхшашликка асосланган муносабатдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда кўплаб пиктограммалар реал ва аниқлаш мумкин бўлган объектлар билан ўхшашликни ифодалайди.

Масалан, чекиш ман этилади ёеган белги, мулоқот тилида **miau, wawwaw, kikiriki, bimbam** каби тақлидий ифодалар иконлар сифатида таҳлил этилиши мумкин.

Иккинчи тур белгилар бирон элементга бўлган реакция сифатида кўрилиши мумкин. Бу турдаги белги Пирс томонидан симптом сифатида англатилган. Бу турдаги белгилар белгиланувчи предмет билан сабаб-оқибат муносабатида бўладилар. Масалан, тутун олов белгиси ёки олов тутуннинг

сабаби ёки асосидир. Оғрик бақириш учун сабаб, ёмғир ердаги ҳўл аоғ сабабчисидир. Ёки олмон тилида “Torkeln – Zeichen für Trunkenheit” – аовдираш – мастлик белгиси.

Учинчи тур белгилар символлардир (Symbol). Улар шундай белгиларки, ўзлари белгилаган предметга нисбатан муносабат на ўхшашликка, на сабаб-оқибатга асосланади. Улар асосан ихтиёрий белгилардир. Символларнинг яққол мисоли сифатида инсонларнинг товуш ва ёзма тил белгиларини кўрсатиш мумкин. Улар тарихан, албатта, пиктограмма шаклида бўлиб, иконлар асосида ривожланиб чиққан бўлса-да, символ ёки символ тизимларини танлаш белгилардан фойдаланувчилар орасидаги келишув ёки шартлиликка асосланади. Масалан, Verkehrsampel – светофор, Eule – Weisheit (бойўғли донолик белгиси).

Пирснинг фикрига кўра, бу уч компонентнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак, акс ҳолда белгилаш тушунчаси тўлиқ бўлмайди. Пирснинг уч босқичли белгилар моделига Уильѡм Моррис (1901-1979) ўзининг “Foundation of the Theory of Signs”(1938) асарида қайтадан эътибор қаратган ва унга прагматика тушунчасини киритган. Моррис ўзининг белгилар илмини ўрганувчи фанини **семиотика (Semiotic)** деб номлади ҳамда уч йўналишни ажратди.

1. Белгиларнинг ўзаро алоқаларини синтактик (syntaktisch) деб атади ва улар билан синтактика (ҳозирги кунда синтаксис – Syntax) шуғулланади.

2. Белгиларнинг предметларга нисбатан аёсигнат муносабатини семантика соҳасида ўрганилади.


3. Ва, ниҳоят, у белгиларнинг белгилардан фойдаланувчиларга нисбатан муносабатини фарқлаб, парадигматик йўналишга асос солди.

Хуллас, Моррис анъанавий белгилар таълимотидан келиб чиқди ва Пирс ҳамда Булерлар каби тил белгилари уч хил муносабатда амал қилишини таъкидлади.

Проф. Шаҳриёр Сафаровнинг ёзишича, «Мантиқшунос У. Моррис Ч. Пирснинг 60 турдан иборат белгилар тизимини ўта ихчамлаштириб,

универсал белгилар системаси моделини яратди. Унинг таклифича, белгининг фаоллашув жараёнида ҳосил бўладиган маъноси – М қуйидаги муносабатлар йиғиндисидан иборатдир: М1 – белгининг иярок этилаётган предметга муносабати (семиотика); М2 – белгининг ундан фойдаланувчига муносабати (прагматика); М3 – белгининг умумий тизимдаги муносабати (синтактика). Шундай қилиб, белгининг маъноси М қ М1 қ М2 қ М3 йиғиндисидир. (Morris, 1938, 2-56). Ч.Пирс ҳамда У.Морриснинг белгилар назарияси тўлиқ таҳлили Ш.Сафаровнинг «Прагмалингвистика» монографиясида кўриб чиқилган.⁹

Юқорида таҳлил этилган тил белгилари системасини баъзи хусусиятларига кўра схематик тарзда қуйидагича ифодалаш ҳам мумкин.



Белгиларнинг икки томонламалиги (Bilateralität), яъни шакл (Signifikate) ва маъно (Signifie) бирлиги, ихтиёрий-эркинлиги Ф.ае Соссюр томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилган.

⁹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, 2008, 39 бет.

Тил структурасида сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Кўпчилик тиллар учун сўз мустақил тил бирлиги ҳисобланади. Баъзи тилларда, хусусан, полисинтетик тилларда (эскимос, алеут тилларида) сўз алоҳида тил бирлиги сифатида қаралмайди. Бундай тилларда маъно ва мазмун нутқ бирликларини бириктириш орқали амалга оширилади.

Тилшунослик фанида сўз фақат лексикология ва семасиологияда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам илмий тадқиқ этилади. Бироқ сўзни ҳар томонлама ўрганиш учун унга алоҳида таъриф бериш талаб қилинади.

Сўзни ҳар томонлама ўрганиш учун унга алоҳида таъриф бериш талаб қилинади. Сўзга берилган жуда кўп таърифлар унинг барча жиҳатларини камраб олмаган. Умуман, сўзнинг тил структурасида тутган ўрни ҳеч вақт инкор қилинмайди. Бироқ сўзнинг таърифига турлича ёндашилади. Чунончи, сўз товуш формасида ифодаланган бир тушунча ва унинг вариантларидир, деган таъриф тилнинг оғзаки формасига асосланган. Тилнинг ёзма формасидан келиб чиқиб, сўз график жиҳатдан бир ёки бир неча ҳарфлар бирикмасидир деб изоҳланади. Сўзнинг фақат фонетик томонига эътибор бериб, унга ҳар икки томондан пауза билан чегараланган товуш ёки товушлар бирикмаси сифатида таъриф берилади. Бу таърифлар жуда тор бўлиб, сўзнинг тил структурасидаги моҳиятини кенг очиб бера олмайди. Сўзга берилган бошқа таърифлар кўпроқ унинг лексик, семантик ва грамматик томонларига асосланган. Хусусан, сўз минимал чегараланган гап ёки минимал синтактик бирлик бўлиб, уни гапда бошқа сўзлар ёки бир сўзнинг бошқа маънолари билан алмаштириш мумкин, деган қараш ҳам мавжуд. Бошқа таърифларда сўз ўзида фонетик, семантик ва грамматик белгиларни мужассамлаштириши, у борлиқдаги элементларни ифодалаш, унинг мустақил ва бир бутун нутқ элементи эканлиги кўрсатилади.¹⁰

Кўринадики, тилшунослик тарихида сўзга турлича таъриф берилган. Лекин буларнинг бирортаси сўзнинг асосий белгиларини ўзида мужассамлаштира

¹⁰ Қаранг: А . А . У ф и м ц е в а . Слово в лексико-семантической системе языка. Изд. «Наука», М., 1968, стр. 12—42.

олмаган. Таърифда сўзнинг барча муҳим томонлари ўз ифодасини топиши керак. Шу планда сўзни қуйидагича изоҳлаш мумкин: сўз борлиқдаги ҳодиса ва нарсаларнинг маъносини ифода этувчи, грамматик жиҳатдан шаклланган ва жамият аъзолари томонидан бир хил тушуниладиган, товуш формасида ифодаланган мустақил ва марказий тил бирлигидир. Бу таърифда сўзнинг икки томонлама бирлик эканлиги, яъни унинг товушлар орқали ифодаланган томони ва маъно жиҳати мужассамланган.

Тил бирликлари ичида сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг бу хусусияти, айниқса, грамматик жиҳатдан қаралганда кўринади. Тилнинг энг кичик маъноли бирлиги ҳисобланган морфема оралиғида сўзнинг маъноли қисмлари: ўзак, суффикс ва ҳоказолар қаралса, мустақил сўз формасидаги гаплар (масалан, номинатив гаплар: *Қиш. Совуқ. Қоронғи* каби) синтактик жиҳатдан алоҳида гап турлари сифатида изоҳланади. Бу эса сўзнинг грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятларини кўрсата олса ҳам, унинг таърифида морфема ёки гапга асосланиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки сўз структураси ва семантик жиҳатдан маъноли қисмларга бўлиниш хусусиятига эгадир. Тўғри, бир морфемадан ташкил топган сўзлар бошқа қисмларга бўлинмайди. Масалан, у, тош, бош, йўл каби. Бироқ тилдаги кўпгина сўзлар маъноли қисмларга бўлина олади ва улар бир неча морфемаларнинг уланишидан ташкил топади. Масалан, тошлоқ, бошлиқ, бойчечак, гулсафсар, қоидали кабилар. Бундай бир морфемали ва кўп морфемали сўзларнинг ўзаги мустақил маънога эга бўлади. Демак, сўз мустақил маънога эга бўлган бирликдир. Лекин бундай қараш ҳамма тилларга ҳам тўғри келавермаслигини юқорида айтиб ўтдик. Ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, испан ва бошқа кўп тилларда сўз мустақил бирлик ҳисобланади. Унинг мустақиллиги алоҳида олинганда ҳам, турли маъноларни ифодалашида ва баъзан фикр ифодаловчи гап ҳолида келишида кўринади.

Сўз бутун бирлик сифатида сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Сўз занжирсимон уланиб кетган қисмлар — ўзак, суффикс ва ҳоказолардан

ташкил топади. Сўз бирикмалари эса айрим компонентлардан ташкил топиб, умумий маънога эга бўлган, яъни лексик ва грамматик жиҳатдан шаклланган бирликлардир. Масалан, кинога бормоқ, дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, ёшлар клуби каби. Сўз бирикмаларининг бирор компонентини алмаштириш мумкин (Қиёсланг: кинога/театрга/ўқишга/магазинга/бормоқ каби). Қўшма сўзлар баъзан тузилиши жиҳатдан сўз бирикмаларига ўхшаса ҳам, улар яхлит маъноси билан ажралиб туради: темир йўл, гултожикўроз, чинни гул, қўл ёзма каби. Баъзан сўзга фонетик жиҳатдан бир урғу остига бирлашган бир канча товушларнинг бирикмаси деб таъриф берилади. Бу тамоман нотўғридир. Чунки баъзи кўп морфемали узун сўзлар ва қўшма сўзлар бир неча урғуга эга бўлиши мумкин. Масалан, *гултожикўроз*.

Сўз - форма (товуш формаси) ва мазмун бирлигига эга бўлиб, семантик ва грамматик яхлитликни ўзида мужассамлаштирувчи бирлик. У тил структурасида формал ва маъно жиҳати билан тўрт босқичда илмий тадқиқ этилади:

- 1) фонологик жиҳатдан сўзнинг фонемалар состави ва унинг акцент (урғу) структураси ўрганилади;
- 2) морфологик жиҳатдан сўзнинг морфемик тузилиши илмий анализ қилинади;
- 3) лексик жиҳатдан сўзнинг атама бирлик эканлиги, яъни ном қўйиш билан боғлиқ томони қаралади;
- 4) семантик жиҳатдан сўзнинг турли маъно томонлари тадқиқ этилади.

Бундай ўрганишда сўзнинг 1- ва 2-, яъни фонологик ва морфологик томонлари формал жиҳатини, 4- ва 3- лексик ва семантик томонлари мазмун жиҳатини ўзида акс эттиради. Бироқ улардан бирортасини алоҳида олиб текшириш сўзнинг формал ва мазмун жиҳатларининг узилиб қолишига олиб келади. Шу туфайли улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда текширилиши зарур. Демак, сўз тил структурасининг барча соҳалари билан боғлиқдир.

Қуйида немис тилида сўзга берилган таърифларни ҳам кўриб чиқиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди:

E. M. Galkina-Fedoruk z. B. bestimmt das Wort folgendermaßen:

Das Wort enthält zugleich das Materielle und das Ideelle. Das Materielle im Wort ist die lautliche Gestaltung, das Ideelle — die Bedeutung des Wortes, der die Erscheinungen der objektiven Wirklichkeit widerspiegelnde Begriff.

Das Wort ist einerseits das Bild, die Widerspiegelung der Wirklichkeit, die in der lautlichen Form realisiert wird, anderseits die lautliche Gestaltung der Vorstellung und des Begriffes. Das Wort ist also die Existenzform des Begriffes im Denken.¹¹

Eine ähnliche, aber einfachere Definition finden wir bei R. A. Budagow:

Das Wort ist die kürzeste selbständige komplizierte dialektische und historische Einheit des Materiellen (des Lautkomplexes und der Form) und des Ideellen (der Bedeutung).¹²

Daß das Wort eine Einheit ist, betont auch A. I. Smirnicki, wobei er unter Einheit folgendes versteht: «. . . diese Einheit muß erstens nicht nur die äußere (lautliche) Form, sondern auch die durch die Form ausgedrückte Bedeutung (inhaltlichen oder emotionellen Sinn) besitzen und zweitens nicht als das im Prozeß des Redens geschaffene Produkt, sondern als etwas schon Existierendes und nur in der Rede Reproduziertes auftreten. Dabei muß entschieden unterstrichen werden, daß die sprachliche Einheit zugleich beide obenerwähnten Merkmale besitzen muß. Zu typischen sprachlichen Einheiten werden auf diese Weise solche Wörter wie *house* — дом, *red* — красный. . .».¹³

Auf Grund dieser Definition läßt sich folgendes feststellen: Das Wort ist eine lexikalische historisch entstandene Ganzeinheit, die kleinste selbständige Haupteinheit der Sprache, die aus der morphologischen Struktur, der Lautform (der phonetischen Form) und der Bedeutung besteht, d. h. die Lautform und die Bedeutung werden im Wort morphologisch organisiert. Viele Sprachforscher

¹¹ Е. М. Галкина-Федорук, Основные вопросы языкознания в трудах В. И. Ленина. — «Иностранные языки в школе», 1951, № 1, стр. 8.

¹² Р. А. Будогов, Введение в науку о языке, М., Учпедгиз, 1958, стр. 8.

¹³ А. И. Смирницкий, Лексикология английского языка, М., Изд лит. на иностр. яз., 1956, стр. 13.

schenken ihre Aufmerksamkeit der Tatsache, daß das Wort eine Einheit des lautlichen Komplexes und der Bedeutung ist.¹⁴

Таниқли олмон луғатшуноси Гюнтер Кемпке томонидан тузилган “Wörterbuch Deutsch als Fremdsprache”¹⁵ – «Олмон тилини чет тили сифатида ўрганувчилар учун луғат» да сўзга қуйидагича таъриф ва изоҳ берилади: “Das Wort – mündlich od. schriftlich gebrauchte kleinste im Text isolierbare selbständige sprachliche Einheit, die beim Schreiben von anderen durch einen Zwischenraum getrennt wird und eine bestimmte eigene Bedeutung od. Funktion hat”.

Ушбу таърифда сўзнинг оғзаки ва ёзма нутқда қандай қўлланиши, кўриниши, ёзилиши ва махсус маъно ва функцияларга эга эканлиги соъда ва лўнда тарзда кўрсатиб берилган.

Демак, сўз – интуитив берилган, тайёр ҳолда кундалик мулоқотда қўлланиладиган лингвистик бирлик тушунчасидир.

Сўз таърифи бир-бирига боғлиқ бўлган уч категория: тафаккур, тил ва табиий борлиқ асосида амалга оширилиши мумкин. Тафаккур орқали биз табиий борлиқни ияроқ этамиз ва ушбу ияроқ тил орқали актуаллашади, амалга ошади. Демак, сўз (Umhüllung des Wortes – сўз қобиғи) тушунчанинг тил орқали ифода этилиши демакдир. Тушунча сўзда маъно кўринишида зоҳир бўлади, маъно эса сўзнинг мазмун асосидир (Inhalt)

Сўнги икки аср давомида сўзга турли олимлар томонидан турлича таъриф бериб келинмоқда. Барча таърифларни умумлаштирсак, **сўзнинг акустик ва семантик мутаносиблик, бир бутунлик (akustische und semantische Identität), морфологик турғунлик (morphologische Stabilität), синтактик мобиллик (syntaktische Mobilität) хусусиятларига эга эканлиги намоён бўлади.**

¹⁴ Л. Р. З и н д е р, Т. В. С т р о е в а, Современный немецкий язык, М., Изд. лит. на иностр. яз., 1957, стр. 342;

К. А. Л е в к о в с к а я, Лексикология немецкого языка, М., Учпедгиз, 1956, стр. 12; О. С. А х м а н о в а, Очерки по общей и русской лексикологии, М., Учпедгиз, 1957, стр. 33 и др.

¹⁵ Wörterbuch Deutsch als Fremdsprache von Günter Kempke unter Mitarbeit von Barbara Seelig u.a. Berlin, 2000. XXXIII, 1329, Güten, 500 Abb.

Шу тариқа, биз сўзни тил системасининг махсус элементи, тилнинг асосий бирлиги сифатида аниқлаймиз. Сўз шакл ва маънонинг репроауктив ва такрорланувчи бирлигидир.

Тил системалардан ташкил топган системадир (Ф. де Соссюр). Сўз тил системасининг энг кичик, шу билан бирга нисбатан мустақил бирлигидир. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўзнинг шакл-шамойили билан унинг маъно-мазмунини ўртасида асимметрик алоқа мавжуд, яъни бир шаклда бир неча маъно мужассам бўлиши мумкин. Сўзнинг бундай хусусиятлари тилнинг бошқа катта бирликларини жалб этиш йўли билан аниқланади. Умуман олганда, ҳар бир сўзнинг тил системасида ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сўзлар ҳеч қачон бир-бирларини тўла такрорламайдилар. Ҳар бир сўзнинг пайдо бўлиши шу тилда гапирувчиларнинг табиий-ижтимоий эҳтиёжи орқали изоҳланади, лекин, шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тилда янги пайдо бўлган сўзлар, айниқса, бадиий адабиётда учраб турадиган янги «ясама» сўзлар сўз сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, чунки улар ушбу матнда фақат бир марта мавжуд холос. (Okkasionalismen, Einmalbildungen).

Бундай бирликларда сўзнинг юқоридаги хусусиятлари мавжуд бўлса ҳамки, улар ҳали луғат бойлигидан ўз ўринларини эгалламаган. Вақт имтихонидан, норма эҳтиёжи тарозусидан ўтгандан кейингина бундай бирликлар луғатлардан ўз ўринларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2.2. НЕМИС ТИЛИДА СЎЗНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тилшунослик фанининг асосий проблемаларидан бири тилнинг ички қурилишини, унинг ички механизмининг ишлаш принципларини ўрганишдир.¹⁶ Тил ўз табиатиға кўра мураккаб, кўп аспекти ҳодиса бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш мумкин.

¹⁶ Тилнинг ривожланиши, унинг ички қурилиши каби қатор масалалар И. А. Бодуэн де Куртенэ, Н. В. Крушевский, Ф. Ф. Фортунатов, В. А. Богородицкий, А. А. Потебня, А. А. Шахматов, С. П. Обнорский, В. В. Виноградов, А. М. Пешковский, Л. В. Щерба ва бошқа тилшуносларнинг асарларида чуқур ёритилган. Бу асарлар жаҳон тилшунослигига қўшилган катта ҳиссадир.

Юқорида кўриб ўтилганидек, тил кишилиқ жамиятида бажарадиган функциясига кўра асосий алоқа қуроли, тафаккур воситаси; ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодисадир. Ички қурилиш нуқтаи назаридан тил маълум миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликларининг йиғиндиси ва ана шу бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир. Шунинг учун ҳам тил ички қурилишини ўрганишда **система** ва **структура** тушунчалари кенг қўлланилади.

Система тушунчаси тилда мавжуд бўлган имкониятларни ҳам ичига олади. Бу жиҳатдан тил системаси очик системадир. Бошқача қилиб айтганда, тил системасининг имкониятлари чексиздир. Шундай бўлмаганда эди, тил тараққий эта олмас, кишиларнинг фикрлаш, ўзаро сўзлашишга бўлган тўхтовсиз эҳтиёжларини қондира олмаган бўлар эди.

Дарҳақиқат, тил кишилар орасида энг асосий алоқа қуроли ва тафаккур воситаси сифатида ҳар доим ривожланиб турадиган ди- намик ҳодисадир. Тил жамият тараққиётининг ҳамма этапларида кишиларнинг унга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиради ва жамият тараққиёти билан тил ҳам ҳар доим ривожланиб, ўзгариб туради. Аммо тилнинг ўзгариши, ривожланиши, алоқа воситаси сифатида ўз функциясини бажариши ўз ҳолича юз бермайдп, аксинча, маълум қонун-қоидалар асосида амалга ошади. Хўш, тил қандай элементлардан ташкил топган, тил элементлари (бирликлари) ўртасидаги муносабат қандай? Қандай қилиб кишилар маълум миқдордаги тил бирликлари **ва** қоидалари ёрдамида сон-саноксиз гаплар яратиш имкониятига эга бўлдилар?

Маълумки, кишилар тилнинг айрим бирликлари (фонемалар, айрим сўзлар, грамматик воситалар) ёрдамида фикр алмашмай- дилар, аксинча, тил бутув бир система сифатидагина мавжуддир. 1'ил бирликлари: фонемалар, морфемалар, сўзлар фақатгина яхлит тил системасининг ичида ўз функцияларини бажарадилар. Демак, тил ўзаро узвий боғлиқ бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган материал бирликларининг йиғиндисидан ташкил топган, ўзига хос структурага эга бўлган мураккаб системадир. Тил

системасини ташкил этган тил бирликларининг ўзаро муносабати, бир-бири билан боғланиш қонун-қоидалари тилнинг структурасини ташкил¹ этади.

Ҳар бир конкрет тилнинг негизини ташкил этган товушлар¹ системаси, луғат состави ва грамматик қурилиши тил системасини ташкил этадиган асосий қисмлардан иборатдир. Тил системасини ташкил этган элементлар (товушлар, сўзлар ва грамматик формалар) ҳар бир тилнинг қонун ва қоидалари асосида бирикиб, бутун бир тил системасини ташкил этади.

Тил системасини ташкил этган элементларнинг ўзаро муносабати ва бир-бири билан боғланиш қонуниятлари ниҳоятда мураккаб ва кўп қирралидир. Гарчи тил яхлит система бўлса-да, бу система ичида ўзига хос мустақилликка эга бўлган, тил системасининг таркибий қисмлари бўлган яруслар мавжуддир. Ҳар бир яруснинг ўз бирликлари ва категориялари бўлиб, улар бир-биридан фарқланиб туради. Масалан, фонетик-фонологик ярус луғат ярусидан, луғат яруси эса грамматик ярусдан фарқланади. Аммо тил яруслари бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, бутун тил системасини ташкил этади.

Тил системасини ташкил этган асосий яруслар қуйидагилар:

1. Фонетик-фонологик ярус.
2. Луғат яруси.
3. Грамматик ярус.

Фонетик-фонологик ярус. Тилнинг товуш системаси нутқ товушларидан ташкил топади. Фикр алмашиш учун фойдаланиладиган сўзлар ва гаплар, албатта, товуш материясида ўз ифодасини топади. Тилнинг товуш системасини турли томондан ўргатиш мумкин, чунки нутқ товушлари ўз табиатига ва тил системасида бажарадиган функциясига кўра мураккаб ҳодисадир.

Инсон нутқининг товушлари физик хусусиятларига кўра табиатда пайдо бўладиган товушларнинг бир туридир. Шунинг учун товушлар системасини ўрганишда акустик нуқтаи назардан ҳам ёндашилади. Аммо

инсон фойдаланадиган товушлар, табиатдаги бошқа товушлардан фарқли ўлароқ, кишининг нерв системаси томонидан бошқарилиб турадиган нутқ органлари маҳсулидир. Шунинг учун товушлар физиологик (биологик) нуқтаи назардан ҳам ўрганилади. Ниҳоят, товушларни тил системасида бажарадиган функцияси нуқтаи назардан ҳам ўрганиш мумкин, чунки товушлар тил системасида ўз ҳолларича мавжуд бўлмайди. Улар сўзларни яшашда ва фикр алмашиш процессини таъминлаб беришда муҳим роль ўйнайди. Товушларнинг акустик (физик) ва физиологик (биологик) хусусиятларини **фонетика** фани ўрганади. Товушларнинг тил системасида бажарадиган функцияларини эса **фонология** ўрганади.

Объектив борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар хил гуруҳ ва турларга ажратилганидек, нутқ товушлари ҳам артикуляцион-акустик хусусиятларига кўра бир неча турларга бўлинади.

Нутқ товушлари овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра икки асосий гуруҳга — унли ва ундошларга ажратилади. Буларнинг миқдори турли тилларда турличадир. Масалан, рус тилида ундошлар 43, унлилар 6; француз тилида 21—13, арман тилида 30—6 та, грузин тилида 28—5, эстон тилида 16—9, чукот тилида 14 — 6 та. Артикуляцион — акустик ва эшитиб ҳис этилиши ҳамда тилдаги функционал хизмати жиҳатидан унли ва ундош товушлар ўртасида катта фарқ бор.

Артикуляцион жиҳатдан унли товушлар талаффузида ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтади, ундошлар талаффузида эса ҳаво оқими бирор тўсиққа дуч келади. Акустик хусусиятларга кўра унлилар талаффузида ҳаво оқими кучсиз тебранади, ундошлар эса унлиларга қараганда кучли тебранади ва шовқин ёрдамида ҳосил бўлади. Эшитиб ҳис этилиши жиҳатдан ҳам ундошлар кучли шовқини билан унлилардан фарқ қилади. Унлилар эса музика оҳангига жўр бўла олувчи майин оҳангга эгадир. Жаҳон тилларининг деярли барчасида ундош товушлар унлилардан кўп ва шу туфайли уларнинг функционал хизмати каттадир.

Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзига хос фонетик, морфологик ҳамда семантик хусусиятларга эга бўлгани каби, олмон тили лексик сиситемасининг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд.

I. Фонетик нуқтаи назардан немис тилида сўзлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1.1. Немис тилидаги сўзлар динамик урғу орқали характерланади. Бу масалага ойдинлик киритиш учун урғу мавзусига бироз тўхталиб ўтамиз.

Талаффузда бир ёки бир неча бўғинларни ажратиб айтиш **урғу** дейилади. Сўз ва фраза урғуси фарқланади. Кўп бўғинли сўзларда бир ёки ундан ортик бўғинларни ажратиб айтиш **сўз урғуси** дейилади. Агар сўз бир бўғиндан иборат бўлса, сўз урғуси бўғин чўққисини ҳосил қилувчи товушга тушади. Фраза ва гаплардаги сўзларнинг бирор бўғинини ажратиб талаффуз қилиш **фраза урғуси** дейилади. Фраза урғуси интонациянинг энг асосий компонентларидан биридир.

Сўз урғуси мустақил сўзларнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида маънодор сўзлардаги урғу нутқда (фразаларда) ҳам сақланиб қолиши мумкин. Сўзлардаги бир ёки ундан ортик бўғинларни ажратиб талаффуз қилиш турли артикуляцион-акустик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Артикуляцион жиҳатдан нафас кучи, кучли талаффуз ва нутқ пайчаларининг тебраниши сўзга урғу қўйишнинг асосий воситаларидир. Акустик жиҳатдан сўз урғуси интенсивлик (товушни баланд овоз билан айтиш), чўзиқлик ва товушнинг асосий тони ёрдамида амалга оширилади.

Товушнинг баландлиги ва чўзиқлиги урғунинг нутқда намоён бўлишидир. Кўрсатилган воситалар бўғинни ажратиб талаффуз қилишда асосий роль ўйнашига кўра урғу типлари фарқланади. Агар талаффуз кучи ёки интенсивлик асосий хизматни бажарса, **динамик** (куч ёки экспиратор) **урғу** дейилади. Асосий тоннинг ҳаракати (тушувчи, кўтарилувчи ва кўтарилиб тушувчи тонлар) ёрдамида амалга оширилувчи урғу **музикал** (ёки

мелодик) **урғу** деб аталади. Бўғиннинг чўзиқ талаффузи урғуда асосий бўлса, **квантитатив** (чўзиқлик ёки миқдор) **урғу** дейилади. Баъзи тилларда урғунинг кўрсатилган воситалари биргаликда ҳаракат қилади. Масалан, рус, ўзбек ва немис тилларида урғу талаффуз кучи ва бўғиннинг чўзиқ талаффуз қилиниши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам бу тилларнинг урғуси динамик—квантитатив урғу ҳисобланади. Қадимги грек ва қадимги ҳинд тилларининг урғуси музикал бўлган. Ҳозирги серб-хорват, литва, хитой, япон каби тилларнинг урғуси ҳам музикалдир. Норвег, исланд, швед тилларида урғу куч ва тон билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу тилларнинг урғуси динамик-музикал урғудир. Ҳозирги грек тилининг урғуси эса квантитатив урғу деб қаралади.

Кўп бўғинли сўзлар, айникса қўшма сўзлар ёрдамчи (иккинчи даражали) урғуга ҳам эга бўлади: *Ленинград, Северо-восточный*. Ҳамма тиллар ҳам сўз урғусига эга бўлавермайдн. Йирик фонетист проф. Л. Р. Зиндернинг қайд қилишича, Шимолий, Шимоли-Шарқий Осиё ва Шимолий Америка тилларининг кўпчилигида сўз урғуси йўқ. Урғу ўрнига кўра турғун ва эркин урғу деб фарқланади. Масалан, венгр, латин ва чех тилларида урғу доим сўзнинг биринчи бўғинига, француз тилида сўзнинг охириги бўғинига, поляк тилида охиригисидан олдинги бўғинга тушади. Бундай урғулар **турғун урғу** дейилади. Сўзнинг ҳар хил бўғинларига тушувчи урғу **эркин урғу** бўлиб, бу рус, инглиз ва итальян тилларига хос.

Ўзбек тилида сўз урғуси, асосан, турғундир. Бунда урғу сўзнинг охириги бўғинига тушади. Аффикс қўшилиши билан урғу охириги бўғинга кўчаверади. Лекин ўзлаштирилган русча-интернационал сўзларда урғу рус тилида қайси бўғинга тушса, ўзбек тилида ҳам шу бўғинга тушади: *ректор, комсомол*. Бундан ташқари ўзбек тилида урғу биринчи ва иккинчи бўғинга тушувчи сўзлар, урғу олмайдиган аффикслар ҳам борки, бу ҳолат ўзбек тилида урғунинг эркинлик белгиларидир.

Сўзнинг фонетик алоҳидалиги урғу ва урғусиз қисмларининг, хусусан, бўғин ҳосил қилувчи элементларнинг уланиши ёрдамида амалга оширилади. Урғу ёрдамида сўзнинг бирор бўғини фақат ажратиб айтилмай, балки унинг урғусиз бўғинлари урғули бўғин атрофига бирлаштирилади. Урғу просодика ёки суперсегментал фонетиканинг асосий элементларидан биридир.

Сўз урғусидан логик урғу фарқ қилади. Логик урғу гапнинг актуал бўлинишида сўз ва тактларни ажратади: *Курсимиз спорт-чилари мусобақада золиб чиқдилар*. Бунда қайси бўлакнинг ажратилиши лозим бўлса, ўша бўлакка урғу берилади.

Профессор Умархўжаевнинг ёзишича, немис тилида сўзлар марказлашган, морфологик боғланган урғуга эга.

а) бош урғу – die Hauptbetonung

б) иккинчи даражали урғу – die Nebenbetonung

в) кучли урғу – die starke Betonung

г) кучсиз урғу – die schwache Betonung

Масалан: 'Arbeit, 'arbeits'los, 'stock'finster, 'Eishockeynational'mannschaft.

Олмон тилида баъзи сўзлар борки, уларда урғу негизга боғланган эмас, балки сўзларга ажралувчи ва ажралмайдиган префикслар, баъзи суффикслар кўшилиши билан урғунинг ўрни ўзгаради.

Префикс ва суффикслар, одатда а ф ф и к с деб юритилади. Сўзнинг ўзаги олдида келадиган морфемалар — п р е ф и к с (о л д қ ў ш и м ч а), ўзакдан кейин қўлланадиган морфемалар — с у ф ф и к с деб аталади.

Префикслар икки турга бўлинади: 1) а ж р а л а д и г а н п р е ф и к с л а р ва 2) а ж р а л м а й д и г а н п р е ф и к с л а р .

А ж р а л м а й д и г а н п р е ф и к с л а р г а (die untrennbaren Vorsilben) қуйидагилар киради: **be-, ge, er-, ver-, zer-, ent-, emp-, miß-** (bekommen, gelingen, erzählen, verstehen, zerstdren, empfangen, entsprechen, mißlingen). Бу префиксларнинг **ge-** ва **emp-** дан бошқалари ҳозирги олмон тилида маҳсулдор префикслардан ҳисобланади. **Ажралмайдиган префикслар урғуга эга эмас:** be'schreiben.

Ажраладиган префиксларга (die trennbaren Vorsilben) куйидагилар киради: **ab-, an-, auf-, aus-, bei-, ein-, mit-, nach-, vor-**, (ablegen, anziehen, aufstehen, ausgehen, beiwohnen, einsteigen, mitbringen, nachdenken, vorlesen, zu machen). **Ажраладиган префикслар урғуга эга бўлади.**

Durch-, über-, unter-, um-, wider- префикслари ҳам ажраладиган, ҳам ажралмайдиган характерга эга. Қиёсланг: 'übersetzen — кирғокдан кирғокқа ўтказмоқ; über'setzen — таржима қилмоқ.

Бу олд кўшимчалар урғу олгандагина феълдан ажралади, урғу алмашганда ажралмайди.

1.2. Жарангли ундошлар сўзнинг охирида жарангсизлашади.

Масалан: Tag [ta:k], und [ʊnt], Kind [kint]

Ўзбек тилида ҳам сўз охирида жарангли ундошлар жарангсизлашади.

Масалан: китоб [китоп], қанд [кант]

Турли ҳолатларда товушларнинг талаффузида ҳар хил ўзгаришлар юз беради. Н.С. Трубецкойнинг кўрсатишича, «...амалий жиҳатдан айнан бир товушни бир позицияда ҳам бир неча марта аниқ ва бир турда талаффуз қилиш мумкин эмас».¹⁷

1.3. Унлилар сўз бошида кучли талаффуз қилинади (der feste Einsatz, “der Knacklaut” коидасига кўра)

Масалан: Antwort, □Uhr, □Ofen. □ Er steht an der Ecke.

1.4. Урғусиз бўғинда унлилар редукцияга учрайди, genommen [gə 'nɔ mmə n] тарзида талаффуз қилинади.

2.3. Немис тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари

Тилшуносликка бағишланган адабиётларда сўзнинг материал структураси ҳақида куйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

Ҳар қандай сўз материал (товуш) ва маъно томонларининг йиғиндисидан иборат. Олдинги саҳифаларда сўзнинг маъноси ҳақида фикр юритилган эди.

¹⁷ Н.С. Трубецкой. Основы фонологии, М., 1960. стр. 48-49

Энди сўзнинг материал структурасини баён қиламиз. Сўзнинг материал структурасини аниқламай туриб, сўз яшаш ва грамматиканинг кўп масалаларини ўрганиб бўлмайди.

Кейинги даврларгача сўзнинг материал структураси морфологияга боғлаб, «Сўз таркиби» бўлимида изоҳланиб келинди. Ҳозирги тилшуносликда «Сўз яшаш» алоҳида мустақил бўлим сифатида ўрганилмоқда. Умуман, сўзнинг материал структурасини фақат морфологияга боғлаш тўғри хулосаларга олиб келавермайди.

Сўзнинг материал структураси деганда унинг энг кичик, бўлақларга бўлинмайдиган маъноли қисмларга ажратилиши кўзда тутилади. Булар тилшуносликда МОРФЕМА деб юритилади. Демак, морфема тилнинг энг кичик, бўлақларга бўлинмайдиган маъноли қисмидир. Масалан, ўзбек тилидаги *ишчи* сўзи иккита морфемадан ташкил топган, чунки бу сўзнинг таркибида иккита энг кичик маъно англатувчи бирлик бор, яъни иш ва -чи. Иш ва -чи элементлари ўз навбатида яна ҳам кичикроқ маъноли бўлақларга бўлинмайди. Биз *иш* сўзини и ва **ш** сингари бўлақларга бўлиб ташлашимиз мумкин, лекиц улар бундай кўринишда ҳеч қандай маъно англатмайди.

Ишчиларимиздан деган сўзда эса бешта энг кичик маъно англатувчи бўлақ бор: иш-чи-лар-имиз-дан, иш — сўзнинг ўзаги, -чи — касбни кўрсатувчи элемент, -лар — кўплик маъносини англатувчи, -ИМИЗ I шахснинг кўплигини ва -ДАН — чиқиш маъносини англатувчи элементлардир. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа тиллардан ҳам келтириш мумкин.

Инглиз тилида: *workers* сўзи учта маъно англатувчи бирлик, яъни *worker* ва -s дан иборат бўлиб, ўзбек тилига ишчилар деб таржима қилинади.

Немис тилида *Arbeiterinnen* сўзи тўртта энг кичик маъно англатувчи бирликлардан ташкил топган, яъни *Arbeit* (*иш*), *-er* (*-чи*), *-in* (жинсни кўрсатувчи элемент), *-en* (*-лар*).

Француз тилида *TRAVAILLEURS* сўзи учта маъноли қисмдан ташкил топган: *travail* (*иш*), *eur* (*-чи, каш*), *s* (*-лар*).

Морфемалар фонетика, фонология бирлиги (фонема)дан тубдан фарқ қилади. Морфема маъноли, фонетика, фонология бирлиги эса маъно англатмайдиган бирликдир. Морфемалар икки томонлама, фонемалар эса бир томонлама бирликдир. Бундай деб аталишига сабаб морфемаларнинг ифодаловчи ва ифодаланувчи томонлари борлигидадир (баъзи адабиётларда **ифодаловчи план ва ифодаланувчи план** деб ҳам юритилади). Ифодаловчи деганда, морфемаларнинг оғзаки нутқда қулоғимизгача етиб келган товушларни, товушлар бирикмасини, ёзма нутқда эса ҳарфларни ёки ҳарфлар бирикмасини тушунамиз. Ифодаланувчи деганда, эшитган товушларимизни ёки кўраётган ҳарфларнинг англатган маъносини тушунамиз. Буни схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

<u>ифодаловчи</u>	<u>-лар</u>
ифодаланувчи	кўплик

Морфемаларни бўғинлар билан аралаштириш мумкин эмас. Биринчидан, морфемалар тилнинг энг кичик маъноли бирлиги бўлиб, ҳамма вақт бўғинларга тўғри келавермайди ва ҳамма бўғинлар морфемаларга мос бўлавермайдн. Масалан, ўзбек тилидаги *кўча* сўзи икки бўғиндан, лекин бир морфемадан ташкил топган, *отам* сўзи эса икки бўғин ва иккита морфемадан ташкил топган бўлса ҳам, уларнинг чегараси бир-бирига тўғри келмайди: фонетик жиҳатдан *о-там* тарзида бўғинларга ажратилади, энг кичик маъно англатувчи бўлақларга эса қуйидагича ажратилади: *ота-м*. Баъзан морфемалар бўғинларга тасодифан мос келиб қолади. Масалан, *синфдошлар*, *гул-лар-га* ва *ҳоказо*.

Тил бирлиги бўлмиш морфема нутқда битта морф орқали ва баъзи ҳолларда бир неча морф орқали ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилида отларда кўплик битта **-лар** морфемаси билан ифодаланади. Бундай ҳолларда морф ва морфема бир-бирига мос келади. Чиқиш келишиги қўшимчасида ҳам худди шундай. Лекин жўналиш маъноси ўзбек тилида турли қўшимчалар орқали ифода қилинади: **-ға, -ка, -қа**. Бундай ҳолларда бир морфема учта морф

орқали намоён бўлади. Одатда, бир морфемага кирувчи морфлар шу **морфеманинг вариантлари** ёки **алломорфлар** дейилади. Демак, алломорф деб турли формага эга бўлган, лекин бир хил маъно англатадиган ва бир морфемага кирадиган морфларга айтилади.

Морфемалар турли нуктаи назардан қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) англатган маъноларига кўра;
- 2) морфемаларнинг ҳар икки томони, яъни ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларининг очиқ ифодаланишига кўра;
- 3) морфемаларнинг ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларининг сон жиҳатидан бир-бирига муносабатига кўра.

Биз булардан фақат биринчисини, яъни морфемаларнинг англатган маъноларига кўра турларини кўриб чиқамиз. Бу нуктаи назардан морфемалар иккита катта группага бўлинади: **ўзак морфемалар**, **аффиксал морфемалар**.

Ўзак морфемалар англатган маъноларига кўра, икки турга бўлинади: лексик маъно англатувчи ўзак морфемалар ва грамматик маъно англатувчи ўзак морфемалар.

Лексик ўзак морфемалар нарсa, ҳодисаларни англатади, Масалан: *уй-*, *иш-*, *бош-*, *китоб-* ва ҳоказо.

Грамматик ўзак морфемалар мустақил ишлатилса ҳам, лексик маъно англатмайди, улар сўзларнинг грамматик формаларини ҳосил қилади, гаплар ичидаги сўзлар орасида грамматик муносабатлар ўрнатади. Бундай морфемаларга кўмакчилар, боғловчилар, предлоглар, артиклар, ёрдамчи феъллар ва ҳоказолар киради.

Аффиксал морфемалар, ўз навбатида, иккита катта группага ажралади: **сўз ясовчи аффиксал морфемалар** ва **форма ясовчи аффиксал морфемалар**.

Сўз ясовчи аффиксал морфемалар, яъни ўзбек тилидаги **-чи** (*ишчи*), **-зор**, (*гулзор*), **-сиз** (*ақлсиз*), **-ла** (*ишла*); рус тилидаги **-тель** (*учитель*, *писатель*), **-чик** (*переписчик*, *счетчик*)-, инглиз тилидаги **-er** (*worker*,

teacher), -ship (friendship), -ize(generalize); немис тилидаги -schaft (Freundschaft, Bruderschaft), -er (Arbeiter, Lehrer); француз тилидаги -iuge (sovierigue), -eur (travailleur) янги сўз ясаш учун хизмат қилади. Демак, **сўз ясовчи аффиксал морфемалар** деб, ўзакка қўшилиб, янги маънодаги сўз ҳосил қилувчи морфемаларга айтилади. Сўз ясовчи аффиксал морфемаларни тобе лексик морфемалар ҳам дейиш мумкин. Чунки улар сўзларга қўшилиб, янги сўзлар ясашда бевосита иштирок этади.

Аффиксал морфемаларнинг иккинчи турини грамматик аффиксал морфемалар дейиш мумкин. Чунки улар сўзларга қўшилиб, уларнинг лексик маъноларини ўзгартирмай, ё сўзларнинг грамматик формаларини ўзгантиради, ёки сўзлар орасида маълум грамматик алоқа ўрнатишга хизмат қилади. Ана шу икки функциядан қайси бирини бажаришига қараб, грамматик аффиксал морфемалар, ўз навбатида, яна икки турга бўлинади: **с ў з ў з г а р т у в ч и а ф ф и к с а л г р а м м а т и к м о р ф е м а л а р** ва **ф о р м а я с о в ч и а ф ф и к с а л г р а м м а т и к м о р ф е м а л а р**. Сўзнинг асосий лексик маъносини ўзгартирмай, у англатган ҳодиса ва предметларнинг борлиққа муносабатини ифодалайдиган морфемалар **форма ясовчи аффиксал грамматик морфемалар** дейилади. Бундай морфемаларга ўзбек, рус, инглиз, француз, немис тилларидаги кўплик англатувчи морфемалар, сифат ва равиш даражаларини ясайдиган морфемалар киради.

Сўзнинг сўз бирикмаларидаги ва гаплардаги бошқа сўзларга алоқасини, муносабатини кўрсатиш учун хизмат қиладиган морфемалар **сўз ўзгартувчи аффиксал грамматик морфемалар** дейилади. Бундай морфемаларга тиллардаги келишик ва эгалик ҳамда шахс-сон категорияларининг қўшимчалари киради. Бу икки хил грамматик морфема орасидаги фарқни ўзбек тили мисолида кўришимиз мумкин:

Мен уни кўрдим.

Мен уларни кўрдим.

Бу икки гапда тушум келишигининг кўрсаткичи **-ни** нинг ишлатилиши мажбурий, акс ҳолда сўзлар бир-бири билан боғланмайди.

Лекин кўплик қўшимчаси **-лар** нинг ишлатилиши шарт эмас: унинг қўлланиши ёки қўлланмаслиги мазкур гаплардаги сўзларнинг ўзаро боғланишига алоқаси йўқ.

Аффиксал грамматик морфемалар сўзнинг қандай формасини ҳосил қилишига кўра иккига бўлинади: категориал форма ҳосил қилувчи морфемалар ва нокатегориал форма ҳосил қилувчи морфемалар. Категориал форма ҳосил қилувчи морфемаларга келишик, эгалик, сон, шахс-сон, нисбат, замон, майл каби грамматик категорияларни ифода қилувчи морфемалар киради. Нокатегориал форма ҳосил қилувчи морфемаларга кичрайтиш ва эркалатиш маъносини ифода қилувчи морфемалар киради.

Аффиксал морфемалар ўзакка нисбатан жойланиши нуқтаи назаридан уч турга бўлинади: п р е ф и к с а л , и н ф и к с а л в а п о с т ф и к с а л м о р ф е м а л а р .

Префиксал морфемалар ўзакнинг олдига қўшилади: *бефарқ, изгнать, починить, наилучший, перечитать, rewrite, impossible* (инглиз тилида), *beenden, Vorgang* (немис тилида), *combatre, occasion* (француз тилида). Инфиксал морфемалар ўзакнинг ичига жойлашган бўлади. Латин тилида инфиксал морфемалар кўпроқ учрайди: **findo** сўзиаги **-n** инфиксал морфема ҳозирги замон қўшимчасидир. Бу сўз **fid** (*санчмоқ*) деган инфинитивдан ясалган.

Баъзи олимлар инглиз тилидаги баъзи сўзларнинг кўплик формасининг ясалишини инфиксал морфемага мисол қилиб кўрсатишади, яъни:

foot (оёқ) — feet (оёқлар)

man (киши) — men (кишилар)

ва ҳоказо. Сўзларнинг грамматик формасини ундай йўл билан ясалиши, айниқса, араб тилига хос, масалан:

gatala — уни ўлдиришиди

gutila — уни ўлдиришиган

ктааб — китоб (бирлик)

kutub — китоблар

Постфиксал морфемалар кўпчилик тилларга хос. Постфиксал морфема ўзакдан кейин жойлашади. Масалан: синфдош, пахтадан, ойнадек, спутник, *белый*, *betiful*, *lovely*, *tables*, (инглиз тилида), *Weißheit*, *Freundschaft* (немис тилида), *practicable*, *lavage* (француз тилида).

Қуйида айнан немис тилида морфемаларга бағишланган адабиётларда берилган маълумотлар бу масалага яна ҳам ойдинлик киритади.

Сўзнинг морфологик структураси *морфемалардан* ташкил топади.

М о р ф е м а (грекча *morphe* — «шакл») сўзнинг бўлинмас, энг кичик маъно англатадиган қисмидир. У сўз тузилишида дастлабки морфологик элементдир.

Сўзнинг морфологик структурасини ҳосил этувчи морфемалар асосий хусусиятига кўра икки турга: ўзак морфема ва аффиксал морфемага бўлинади:

Ўзак (*Wurzel*). Ўзак ҳар икки тилда сўзнинг асосий лексик маъносини ифода этади. Унинг составида грамматик маънони ифода этадиган бошқа элементлар, шунингдек, сўз ясовчи морфемалар бўлмайди. Масалан, немис тилида *schön*, *die Schönheit*, *ver- schön-ern*, *be-schön-ig-en*, *die Ver-schön-erung*, *die Be-schön-ig-ung*. сўзларининг ҳаммаси учун *schön* ўзак ҳисобланади. Ўзбек тилида эса *ишчи*, *ишчиларимиз*, *ишла*, *ишчан* сўзларининг ўзаги *иш* дир.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, немис ва ўзбек тилларида аффиксларнинг ўзакка қўшилиш характери ўзаро фарқ қилади.

Аффикслар (*Affixe*). Префикс ва суффикслар, одатда а ф ф и к с деб юритилади. Сўзнинг ўзаги олдида келадиган морфемалар — п р е ф и к с (о л д қ ў ш и м ч а) , ўзакдан кейин қўлланадиган морфемалар — с у ф ф и к с деб аталади. Аффикслар учга бўлинади: суз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи. Аффиксларнинг бу турлари ҳар икки тилда мавжуд.

Сўз ясовчи аффикслар (Wortbildende Affixe). Ўзакка қўшилиб, янги сўз ҳосил қилувчи аффикслар **сўз ясовчи аффикслар** дейилади. Масалан, *frei-die Freiheit - die Be-frei-ung* колхозчи, ақлли, ишла, бошла ва б.

Форма ясовчи аффикслар (Formbildende Affixe). Ўзак-негизларга қўшилиб турли грамматик маъно ифодаловчи аффикслар **форма ясовчи аффикслар** дейилади. Бунга отлардаги кўплик, сифатлардаги даража, феъллардаги замон формаларини ясовчи аффикслар киради: *ge-lesen, ge-lern-t; die Jahr-e, die Straß-en, die Büch-er; stark-stärk-er — am stärk-st-en; fragen—fragte; тоғлар, кучлироқ*.

Сўз ўзгартувчи аффикслар (Flexionsaffixe). Сўзнинг ўзаро боғланишини кўрсатувчи ва шу алоқага хос маъноларни ифода этувчи аффикслар **форма ўзгартувчи (сўз ўзгартувчи)** аффикслар дейилади. Буларга отлардаги келишик (ўзбек тилида эгалик кўшимчаси ҳам), феъллардаги шахс-сон аффикслари ва шу кабилар киради: *die Flügel des Flug-zeug-es; ich arbeit-e; wir arbeit-en; ишчига; (мен) ўқийман, (биз) ўқиймиз*

Ўзбек тилида, немис тилидагидек, ўзак олдидан қўлланадиган морфемалар — префикслар йўқ. Бу эса турк тиллари система-сига кирадиган ўзбек тилининг немис тилидаи фарқ қиладиган морфологик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек тилида ўзак олдидан ишлатиладиган бир неча морфемаларни — префиксларни учратиш мумкин. Лекин улар ўзбек тилига тожик, форс тилларидан кириб келган сўзлардагина учрайди: сер-, бе-, ба-, но- ва бошқалар: *серҳосил, бегал, бадавлат, ноумид* каби.

Сўз негизи (Stamm). Сўзнинг морфологик белги қўшилиши учун асос бўладиган қисми **негиз** ҳисобланади. Негиз ўзакка тенг бўлиши ҳам мумкин: *der Tisch, die Stadl, das Glas; китоб, уiaҳар, қалам*. Бундай негиз туб ёки **содда негиз** дейилади. Сўз ясовчи аффикслар қўшилишидан ҳосил бўлган негиз **ясама негиз** ҳисобланади: *der Arbeiter, die Lehrerin, das Häuschen; ишчи, уйча* каби.

Ф л е к с и я (Flexion) (қ ў ш и м ч а). Немис тилида қўшимча худди сўз формаларини ясайдиган суффикслар каби сўзнинг грамматик формаларини ҳосил қилади. Қўшимчаларнинг сўз формаларини ясовчи суффикслардан фарқи шундаки, қўшимчалар сўз бирикмаси ёки гапдаги сўзларнинг боғланишини ифода этади:

1) От, сифат, турланадиган сон, олмош ва артикларнинг келишиклар бўйича ўзгариши: *warm-er Tag, warm-en Tag-es, warm-er Tag(e), warm-en Tag*.

2) Сифат, тартиб сон, мослашадиган олмош, артикларнинг род ва сон бўйича ўзгариши: *dies- er klein- e Garten, dies- es klein- - e Haus, dies- e klein- e Stadt, dies- e klein- en Häuser, ein klein-er Tisch, ein klein-es Buch, ein-e klein- e Karte, klein-e Tisch.-e* каби.

1) Феълларнинг шахс ва сон бўйича ўзгариш *ich geh-e, du gehst, er geh-t, wir geh-en, ihr geh-t, sie geh-en*.

Ўзбек тилида сифатнинг от билан алоқага киришуви немис тилидан фарқ қилади. Немис тилида сифат от билан бирга қўлланганда уларнинг ҳар бири алоҳида келишик қўшимчаларини олади. Ўзбек тилида эса келишик қўшимчалари фақат отга хос бўлиб, сифат бундай алоҳида турловчи қўшимчаларни олмайди. Қиёс- ланг: *warm-er Tag—иссиқ кун; warm-en Tag-es — иссиқ куннинг; warm-em Tag(e) — иссиқ кунга; warm-en Tag—иссиқ кунни* каби.

Немис тилида отнинг олмош (кўрсатиш олмоши) билан турланиши янада мураккаблашади. Бунда олмош ва отнинг ҳар бири алоҳида келишик қўшимчаларини олади. Бундан ташқари, немис тилида отлар уч родга эга бўлганлиги учун, бош келишикда от билан қўлланган олмош турли род қўшимчаларига эга бўлади. Ўзбек тилида эса отлар род категориясига эга эмас. Қиёсланг:

dies-er Garten — б у боғ dies-e Stadt — бу шаҳар dies-es Haus — б у уй

Немис тилида от, сифат ва олмош бирга турланганда уларнинг ҳар бири тегишли келишик қўшимчаларини олади. Ўзбек тилида бу уч сўз туркумидан фақат от келишик қўшимчасини олиб, қолган олмош, сифат

келишик қўшимчаларини олмайди. Қиёсланг: *dies-er klein-e Garten* — бу кичик боғ

dies-es klein-en Garten-s —бу кичик боғнинг

dies-em klein-en Garten —бу кичик боғқа

dies-en klein-en Garten —бу кичик боғни

Немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам феълларнинг шахс ва сон бўйича ўзгариши феъл негизига шахс-сон аффиксларини қўшиш йўли билан бўлади. Албатта, ҳар бир тилнинг турли замон формаларидаги шахс аффикслари турлича бўлади. Немис тилидаги презенс (Präsens) замон формаси ўзбес тилидаги ҳозирги-келаси замон формасига тўғри келади. Қиёсланг:

ich schreib-t — мен ёза-ман

du schreibst — сен ёза-сан

er schreib-t — у ёза-ди

wir schreib-zn — биз ёза-миз ва б.

Немис тилида қўшимчалар ёрдамида сўз формаларининг ўзгариши процессида баъзи ўринларда қўшимчаларнинг бўлмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Сўз охирида мавжуд бўлмаган қўшимча н о л ь қ ў ш и м ч а д е б юритилади ва унинг маъноси сақланади.

Ҳозирги замон ва аниқ ўтган замонда кучли феълнинг бирлик уч шахс (Person) бўйича тусланишини қиёсланг:

Презенс: I. P. *ich schreib-e* (Präsens) II. P. *du schreib-st*

III. P. *er schreib-t*

Претерит: I. P. *ich schrieb* (Präterit) II. P. *du schrieb-st*

III. P. *er schrieb* каби.

Бу ҳолатни отларнинг турланишида ҳам кўриш мумкин: *der Tisch, des Tisch-es, dem Tisch(e), den Tisch* каби.

Немис тилида турли формаларни ясовчи *о м о н и м с у ф ф и к с л а р* ва *қ ў ш и м ч а л а р* бор. Масалан, *-er* морфемасининг қўлланишини олиб кўрайлик:

- 1) *Lehr-er* , *Schreib-er* , *Fahr-er* сўзларида *-er* сўз ясовчи морфема ҳисобланади;
- 2) *höh-er*, *lieb-er*, *ruhig-er* сўзларида *-er* қўшимча морфема саналиб, сифатнинг қиёсий даражасини ясайди;
- 3) *Kind-er* , *Ei- er*, *Bild- er* сўзларида *-er* отларнинг кўплик формасини яшаш учун қўлланадиган қўшимча — морфема саналади;
- 4) *dies-er*, *jen-er*, *gut- er* сўзларида *-er* мужской род отларининг бирлик бош келишигининг, женский роддаги отларнинг бирлик қаратқич ва жўналиш келишикларининг, уч роднинг кўпликдаги қаратқич келишикларининг маъноларини ифода этади;
- 5) баъзан сўз ясовчи аффикс бир туркумнинг ўзига хос бўлган сўзлар ясаши мумкин.

Hamm-er, *Hung-er* сўзларида *-er* морфема эмас. Бу сўзлар, асосан, ёлғиз ўзакдан иборат бўлгани учун ўзак *-er* морфемасисиз бирор маънони англатмайди¹⁸.

- 6) *er* III шахс бирлик ва бош келишикдаги мужской родга оид кишилик олмошидир. У мустақил морфема бўлиб ҳам кела олади.

Ўзбек тилида ҳам омонимик характерга эга бўлган аффикслар бор, бироқ улар немис тилидаги аффикслардан камроқдир. Масалан:

- 1) эгалик аффиксини олган от (*-м*, *-нг*) *ука-м*, *ота-м*, *ака-нг*, *ота-нг*;
- 2) шахс-сон аффиксини олган феъл: *келди-м*, *ўқиди-м*, *ўқиди-нг* кабилар.

Агар бир қанча негизлар қўшилса, қўшма сўзлар ҳосил бўлади. М.: *Unfallschadenküperbehindertenbeschäftigungstherapeut (Arzt) – Therapeut, der dem Behinderten eine leere Arbeitsstelle zu finden versucht*).

Нутқ жараёнида грамматик ва лексик морфемалар қўшилиб кетади. М.: *mach-te*, *Student-en*, *studier-st*.

2.4. Немис тилида сўзнинг семантик хусусиятлари

¹⁸ Kleine Enzyklopadie. Die deutsche Sprache. Band I. Leipzig 1969, S. 428.

Сўз семантик жиҳатдан предмет, ҳодиса, ҳаракат, иш, белги ва шу кабиларнинг номини билдирадиган, грамматик жиҳатдан шакллашган, бир тилда сўзловчи кишилар жамоаси учун бир хилда тушуниладиган нутқ (бирлигидир. Сўзнинг семантикаси, нарсалар, ҳодисалар, ҳаракатлар билан бевосита боғланмай, балки меҳнат жараёнида, ҳаётий тажрибалар напгжасида борлиқнинг киши онгида акс этиши орқали вужудга келади. Киши борлиқни билиши, уни ўз онгида акс эттириши натижасида предметлар, ҳодисалар, ҳаракатлар ҳақида маълум тушунчага ага бўлади. Шу билан бирга, бу тушунчалар ҳар бир тилда нутқ товушларининг муайян бирикмалари орқали реаллашади, предмет, ҳодиса, ҳаракат кабиларнинг номини билдирувчи товуш ва товушлар бирикмаси сўз ҳолига келади. Сўз предмет, ҳодиса, ҳаракат кабилар билан ўзаро табиий ҳолда боғланган эмас. Агар шундай боғланиш содир бўлганда эди, унда бир предметнинг турли тиллардаги номлари бир хил бўлар эди. Ваҳоланки, амалда бир предмет ёки ҳодисанинг номи турли тилларда турли товуш бирикмаларидан ясалган сўзлар билан ифодаланади. Масалан, бир қушнинг номи ўзбек тилида *чумчуқ*, ҳиндчада - гаурайа, хитойчада мяцяо, русча *воробей*, французча *monéan* (муано), инглизча *sparrow* (спарроу), немисча *Spatz* (шпац) деб аталади. Маълум бир тушунча номини билдирувчи белгини шу тушунчага асоссиз берилган деб караш ҳам хатодир. XIX асрда яшаган немис материалист файласуфи Л. Фейербах: «Ном нимадир? Фарқ қилиш учун аломат, кўзга ташланадиган бир белгидирки, мен предметни бутун ҳолда эсда қолдириш учун унинг характерлайдиган белгисини вакил қилиб оламан» — деб ёзган. Шундай қилиб, предмет ёки ҳодисанинг кўзга ташланадиган муҳим хусусияти, белгиси шу предмет ёки ҳодиса тўғрисида киши онгида маълум тасаввур ва тушунча қолдирадики, улар тил орқали ифодаланиб, товуш бирикмалари воситасида сўз шаклини олади.

Бирор сўзга асос бўлган белги ёки хусусият вақт ўтиши бўлган тарихий тараққиёт жараёнида унутилиб кетиши мумкин. Шу билан бирга, номнинг предметга хос бирор белгиси билан бўлган муносабати ҳам унутилиши

мумкин. Масалан, рус тилидаги *подснежник* (бойчечак) сўзининг ҳосил бўлишида шу номни билдирадиган предметнинг муҳим бир белгиси, яъни баҳор келиб, қорлар эрий бошлаши билан бу ўсимликнинг қор остидан чиқиб оқ гуллаши назарга олинган. Шунинг учун ҳам унга шу ном берилган. Бу гулнинг номи ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилинганда, «қор остидан ўсиб чиққан гул» дейиш мумкин. Ўзбеклар эса бу гулнинг баҳор фасли келганлигидан, деҳқончилик ишларини бошлаб юбориш кераклигидан дарак берадиган белгисини назар-да тутиб, уни *бойчечак* деб атаганлар. Бу гул қанчаэрта очилса, деҳқончилик ишлари шунча эрта бошланади. Маълумки, деҳқончилшқ ишлари қанча эрта бошланса, шунчалик кўп мўл ҳосил олинади. Уйғурлар эса бу гулнинг оппоқ бўлиб очилишини назарда тутиб, уни *оқчечак* деб аташади.

Кишилар ўз атрофидаги табиат-ҳодиса воқеаларини сезиш, тушуниш орқали билиб оладилар. Фикр қилиш натижасида ҳосил бўлган ҳиссиётлар тасаввур ёки тушунча шаклида умумлаштирилади. Тасаввур ёки тушунча ўзида акс эттирилган белгиларнинг энг муҳимларини ўз ичига олади. Кишилар предмет ёки ҳодисаларни ҳар доим бевосита сезмасдан, ҳис қилмасдан, ушлаб кўрмасдан, балки умуман кўз олдида келтириш, тасаввур қилиш орқали билишлари мумкин. Масалан, *тоғ, денгиз, ўрмон* деган номларни айтганимизда ҳар доим ҳам денгиз, тоғ, ўрмонни кўришимиз, сезишимиз шарт эмас, уларни ҳар доим сезиб, кўриб туриш мумкин ҳам эмас. Агар биз бир нарсани кўрган, сезган, тушунган, билган бўлсак, у қаерда бўлмасин, уни тафаккуримиз орқали кўз олдимизга келтиришимиз, тасаввур этишимиз, тушунишимиз мумкин. Агар предмет ҳақида ҳеч қандай тушунча бўлмаса, яъни киши шу предметнинг белгиларини, хусусиятларини кўрмаган, билмаган бўлса, бу нарса ҳақида ҳеч қандай тушунча ҳосил қилолмаслиги, билмаслиги мумкин ёки сохта тушунча ҳосил қилиш мумкин. Мамлакатимизнинг ҳукумат раҳбарлари 1955 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида бўлган чоғида шу шаҳарларнинг мактаб ўқувчиларидан бири улардан қор бериб юборишларини илтимос қилган. Бомбей иссиқ, тропик

минтақада бўлганлиги учун у ерда қиш бўлмайди, шунинг учун бу ерда яшовчи ўқувчи қорни кўрмаган, унинг хусусиятларини билмаган. Натижада табиатдаги қорнинг гўзаллигини, табиий ҳолатини шимолий ўлкалардан Бомбейга олиб келиш мумкин эмаслигини тушунмаган.

Сўзнинг умумлаштирувчи роли унинг моҳиятини билишда катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай маъно сўз, тушунчани умумлаштиради, реалликни кўрсатади.

Аниқ бир белгини назарда тутиб, бир предмет ёки ҳодисага берилган ном орқали шу акс эттирилган предмет ёки ҳодиса тўғрисидаги тушунчамиз кенгайди. Бошқа биргина предмет ёки ҳодисани билдирган ном шу хилдаги ҳамма предмет ёки ҳодисаларнинг умумлашган номини ифодалайди. Масалан, *олма* сўзининг маъносини тушуниш учун, аввало, шу сўз орқали билдирилган предметнинг ўзини билишимиз, уни қўлга олиб кўришимиз, ҳатто уни еб, мазасини ҳам тотиб кўришимиз керак. Шундан кейингина бизнинг *олма* тўғрисидаги тушунчамиз кенгайиб, ўз кўзимиз билан кўрган, еган биргина олма ҳақида эмас, балки турли шаклдаги, рангдаги ва мазаси ўхшаш хилма-хил *олмалар* тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиламиз.

Предметнинг номини билдирувчи товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабат бўлиши керак. Агар бундай муносабат бўлмаса, кишилар бир-бирларини тушуна олмас эдилар. Бу фикрни шундай мисол орқали янада равшанроқ англаш мумкин: агар биз сув сўрасак, аммо бизга сув ўрнига тош беришса, бу товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабатнинг йўқлигини, тингловчи сўзловчининг фикрига тушунмагани-ни кўрсатади.

Товуш бирикмаси билан тушунча ўртасида ўзаро муносабат борлиги туфайли товуш бирикмаси орқали бир тушунчани билдирган сўзни сўзловчи билан тингловчининг бир хилда тушуниши сўзнинг лексик маъноси бў-лади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, кўпинча номлар предметнинг белгиларига қараб берилади. Лекин бир предметга ном беришга асос бўлган белги иккинчи бир предметда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўсимликларнинг ер тагидаги қисми томир, илдиз дейилади. Томир ўсимликларнинг муҳим қисми

бўлиб, уларнинг ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Ўсимлик томирининг ҳар тарафга тарқалишини назарда тутиб, одамнинг танасидаги қон йўллари ҳам томир деб аталади. Шунингдек, одамнинг муҳим аъзоларидан оёқ, кўз, оғиз, чулоқ ва бурун кабиларга шаклан бирмунча ўхшаган предметлар ҳам худди шундай номлар билан аталади. Масалан *тахтанинг кўзи, стулнинг оёғи, чойнакнинг кулоғи, шишанинг оғзи* кабилар. Бунинг натижасида тилда шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар ҳам пайдо бўлади. *Кўк* (ранг), *кўк* (ўт — ўсимлик), *кўк* (осмон), *кўк* (мотам кийими) каби.

Сўз маъноларининг ривожланиш конунларини текшириш, сўзларнинг омонимлик, синонимлик, паронимлик, антонимлик ва кўп маънолилиқ хусусиятларини ўрганиш тилнинг луғат бойлигини аниқлашга, турли луғатлар тузиш ишларига катта ёрдам беради.

Ҳар қандай сўзнинг лексик маъноси гап таркибидан, контекстдан ташқарида яқка ўзи олинса, аниқ англашилади. Лекин ҳар бир сўз гап таркибида асосий лексик маъносидан ташқари, яна бошқа маъноларни ҳам билдириши мумкин. Масалан, *кун* сўзи сутканинг тонг ёришгандан қоронғи тушгунча бўлган муайян бир қисмини (вақтини) билдирди: *Кун ўтди-ю, иш битди*. Лекин бу сўз гап ичида ўзининг асосий лексик маъносидан тат- қари бошқа маъноларда ҳам ишлатилади: 1. *Ўғай ота, етимга кун бермади (Ойбек)*. Бу гапда *кун* сўзи яшаш, тинч ҳаёт кечирин маъносида ишлатилган. 2. *Эртага кун очик бўлиши мумкин*. Бу ерда *кун* сўзи ҳаво (ҳаво очик) маъносида келган. 3. *Кун ёняпти* — жуда ҳам иссиқ маъносида.

Шундай қилиб, тарихий таракқиёт жараёнида тилдаги анчагина сўзлар, ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари кўчма маъноларга ҳам эга бўлади. Сўзларнинг кўп маънолилиги полисемантизм, биргина маънони англатиши моносемантизм деб юритилади.

Ҳар бир тилда сўзлар асосий маъносидан ташқари кўчма маъноларда ҳам қўлланилади. Сўзнинг кўчма маънолари унинг асосий маъносидан келиб чиқади. Предмет белгиларининг, хусусиятларининг ўхшатиш бир-бирига тўғри келиши, бир предмет номининг иккинчи предмет ёки ҳодисага

кўчирилиши натижасида сўзнинг кўчма маънолари ҳосил бўлади. Шунингдек предмет белгилари ва хусусиятларининг қисман ўхшашлиги натижасида ҳам сўзлар кўчма маънода ишлатилади.

Предмет ва ҳодисалар ёки уларнинг белгилари ва хусусиятлари ўртасидаги қисман ўхшашлик асосида бир предмет ёки ҳодисанинг номини ифодалаб келган сўзнинг иккинчи бир предмет ёки ҳодисани ифодалаш учун қўлланиши метафора¹ деб аталади.

Предмет, ҳодиса ва ҳаракат номининг иккинчи предмет ёки ҳодисага кўчиши шу нарсаларнинг ташки ўхшашлиги, яъни ранги, шакли, муҳим белгилари асосида юз беради. Масалан, *огиз* сўзи одам аъзосининг муҳим бир қисмини ифодалайди. Лекин бу сўз ифодалаган предметнинг ташки ўхшашлигини назарда тутиб, бошқа предметларнинг номларини ҳам ифодалайдиган бўлган: *ўранинг оғзи, тандирнинг оғзи, зорнинг оғзи, шишанинг оғзи, қопнинг оғзи* каби. Шунингдек, *ўткир* сўзи бирор предметнинг тез кесадиган, ўткирлик хусусиятини, белгисини билдиради. *ўткир пичоқ, ўткир болта, ўткир арра* каби. Бу сўз ифодалаган ана шу белги асосида *ақли ўткир, кўзи ўткир, сўзи ўткир* каби турли кўчма маънолар ҳосил бўлган. Бу сўз биринчи бирикмада «ҳар нарсани тез фаҳмлайдиган», иккинчисида «кўзи яхши кўрадиган», учинчисида «сўзи таъсирчан» маъноларини ифодалайди. Шунга ўхшаш *қора қалам, қора юрак, қора ният, қора кўнгил, қора куч, қора иш, қора кун* бирикмаларида ҳам *қора* сўзи фақат биринчи бирикмадагина ўзининг тўғри маъносида, колган бирикмаларда эса кўчма маънода қўлланилади.

Сўзларнинг қайси маънода қўлланилгани фақат контекстда¹² аниқланади. Сўзлар алоҳида, якка ҳолда олинганда, унинг асосий, тўғри маъносинигина англаш мумкин. Чунончи, *очилди* сўзи якка ҳолда, эшик ва шунга ўхшаган нарсаларнинг очилишини билдиради. Лекин гапда бу сўзнинг қандай кўчма маъноларда қўлланишини контекстан билиб олиш мумкин. Масалан: *сир очилди* (сир фош бўлди), *ҳаво очилди* (булутлар тарқалди), *кўргазма очилди* (кўргазмани ҳамма кишиларнинг кўри' шига рухсат

берилди), *кўзи очилди* (кўрадиган ёки тушунадиган бўлди), *гул очилди* (гуллади) кабилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўп маъноли сўзларда уларнинг кўчма маънолари бир-бирлари билан умумий бир белги туфайли боғланган бўлади. Масалан, *оёқ* сўзининг умумий белгиси бирор предметнинг охириги, пастқи кисмппи билдиришдан иборатдир. Бу белги оркал *оёқ* сўзининг кўчма маънолари ўзаро боғлангандир: *Ишингиз бошдан-оёқ яхши* (ишингиз бошдан-охиригача яхши). *Ховлининг оёғида тўрт туп олма бор* (ховлининг охирида, пастида). *Бригада сувга оёқ ерда жойлашган* (сувнинг кетида, охирида).

Кўп маъноли сўзларни гапда тўғри ва ўринли ишлата билиш нутқимизни мазмунли, таъсирли қилишга жуда катта ёрдам беради. Масалан: *Сиддиқжон—қарол бола, бу—ўзига зўқ бир одамнинг қизи, икки орани ажратиб турган шундай зўр тоғни бир зумда талқон қилиб ташлайдиган «алланима бало» бир куч бор эканини ким билибди! (А. Қаҳҳор)*. Бу мисолда *тўқ* сўзи — бой маъносида, *тоғ* сўзи тўсиқ маъносида, *талқон* сўзи майда-майда маъносида ишлатилган. Ёки хурсанд бўлганлик кайфияти *Дўстимнинг менга қилган ёрдамларидан бошим осмонга етди*, деб ифодаланса, айтмоқчи бўлган фикримиз анча таъсирли чиқади.

Бир предметнинг номи бажарадиган вазифасига кўра янгидан пайдо бўлган предметга кўчиши мумкин. Масалан: *ўқ* сўзи дастлаб камон (ёй) билан отиладиган учи ўткир предмет номини билдирган. Кейинчалик жамиятнинг тараққиёт жараёнида милтиқ, замбарак, тўп, мина каби қурол турлари пайдо бўлгандан кейин, *ўқ* номи бажарадиган вазифасига кўра ана шу қуроллардан — отиладиган предметларга ўтади. Лекин камон ўқи билан ҳозирги замон ҳарбий қуролларидан отиладиган ўқларнинг бажарадиган вазифасидан бошқа ҳеч қандай ўхшанглиги йўқлигини яққол кўрамыз.

Сўз маъноларининг бу хилда бажарадиган вазифасига кўра кўчиши, худди метафора сингари ўхшашликка асосланадиган ҳодисадир. Бирок метафора предметнинг ташқи кўринишини, чунончи, ранги, шакли ва бошқа белгисини назарда тутаяди. Сўз маъносининг бажарадиган вазифасига қараб

кўчишида эса, предметнинг бирор вазифасини бажариб келиши кўзда тутилади.

Сўз маънолари кўчишининг яна бир кўриниши метонимиядир¹. Бирор предмет, тушунча ёки ҳодиса номининг бошқа ном билан алмаштирилиши метонимия деб аталади. Метонимия йўли билан ном алмаштиришда предмет ёки ҳодисанинг ички ва ташки белгилари орасидаги ўхшашлик эмас, балки икки тушунчанинг ўзаро боғланиши, бир-бирига яқинлиги асос бўлади. Масалан: *қоғоз* сўзининг асл маъноси ёзиш учун фойдаланиладиган материалдир. Ана шу материалга мақсадга мувофиқ керакли талаблар, истаклар, буйруқлар ёзилиши назарда тутилиб, *қоғоз* сўзи *ҳужжат*, *ёрлиқ* маъноларида ҳам ишлатилади: *Қоғозингизни кўрсатинг* (ҳужжатингизни кўрсатинг маъносида), *мақтов қотози* («мақтов ёрлиғи» маъносида). Шунингдек, *стол* сўзи овқатланиш ва ёзиш учун фойдаланиладиган уй жиҳозлари турининг номидир. Лекин столнинг идора ишларидаги асосий хизмати кўзда тутилиб, баъзи бир маъмурий идоралар шу ном билан аталади: *паспорт столи*, *маълумот столи*, *бюролма столи* кабилар. Шунингдек, *ўчоқдан бошим чиқмайди* (уй-рўзғор ишларидан, овқат пиширишдан, идиш-товоқ ювишдан бўшамайман маъносида) *Яккатутдан меҳмон келди* (Яккатут кишлоғидан...). *Муқимийдан парчалар ўқидик* (Муқимпй асарларидан парчалар ўқидик). *Ўн йилликни битирдим* (ўн йиллик мактабни битирдим) кабилар ҳам предмет ёки ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши туфайли икки предмет орасида реал алоқа борлигидан, бирининг номини айтганда иккинчисини назарда тутиш, англаш, тасаввур қилиш имконияти бўлади. Бу ҳодиса кўпинча сўз бирикмалари билан ифодаланган предмет ва ҳодисаларнинг номларида учрайди. Бундай предмет номларини ифодаловчи бирикмалардан айрим сўзлар туширилпб қолдирилса ҳам, бу бирикмадаги сўзлар ўзаро боғланганлиги туфайли, тушириб қолдирилган сўзларни англаб олади, тасаввур қилиш қийин эмас. Масалан: *Иван Петрович ... «Кўшчинор»га шу ҳафта ичида боришини билдирди* (А. Қаҳҳор) гапда «Кўшчинор»га сўзи «Кўшчинор» жамоа хўжалигига деган тушунчани

англатади. Демак, бу бирикмада *жамоа хўжалиги* сўзи тушиб қолган бўлса ҳам, уни англаб олиш қийин эмас.

Синекдоха ҳам метонимиянинг бир тури бўлиб, йўл билан сўз маъносининг кўчишида предметнинг айрим қисми номини айтиш билан, бутун бир предмет назарда тутилади ва, аксинча, бутун бир предметнинг номини айтиш билан унинг қисми кўзда тутилади. Масалан, *мол* сўзининг ўрнига унинг қисми *туёқ* дейиш билан молнинг ўзи тушунила беради: *НИКОЛАЙ замонида оёғим туёқ кўрмаган (Ойбек)*. Шу хилда *мўйлов*, *бурун*, *калла* каби киши тана аъзоларшнинг номлари билан маълум бир одамни кўзда тутиш мумкин: *Мўйловни чақариб юбор. Бурун қаерда кетди? Хой калла, менга қара!*

Сўз маъноларининг кенгайиши ёки торайиши ҳам синекдохага киради. Масалан: *ош* сўзи кенг маънода умуман иссиқ овқатни билдиради, шу билан бирга, *бў* сўз *тор* маънода ишлатилганда, иссиқ овқатнинг биргина турини — *паловни* англатади. Ёки *мол* сўзи *тор* маънода уй ҳайвонларини билдирса, кенг маънода мулкни англатади.

Маънонинг торайиши ёки кенгайиши четдан кирган сўзларда ҳам яққол кўринади. Масалан: *шофёр* сўзи (француз тилида *chouffeur*) дастлаб *ўт ёқувчи* (кочегар)! маъносида ишлатилган. Бу сўз рус тилига, рус тилидан эса ўзбек тилига ўтиб, *тор* маънода автомашина ҳайдовчи шахсни билдирадиган бўлган. *Паспорт* сўзи аслида итальян тилидаги *Passapoto* сўзидан олинган бўлиб, «портга кириш учун ёзма рухсат» деган тушунчани билдирган. Эндиликда бу сўзнинг маъноси кенгайиб, умуман кишиларнинг расмий ҳужжати ёки бирор машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳужжатини билдиради.

Сўзнинг лексик-семантик хусусиятлари унинг лексик, грамматик ва семантик жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Чунки сўзлар тилнинг луғат составини шундайгина ташкил этмай, умуман, тилнинг система ва структурасидаги барча боғланишларни тақозо этади.

Кўпинча сўзнинг маъноси ҳақида гапирганда, унинг предмет ва тушунча билан алоқаси ва тилда қандай ифодаланиши кўзда тутилади. Бироқ қадимий тилшуносликда сўз ва ном ўртасида мослик бор деб қараш ҳам мавжуд эди. Баъзи ғарб тилшунослари эса сўзнинг фақат айтилиш томонига эътибор берган эдилар. Сўзнинг айтилиши унинг моддий томони, яъни товушларнинг бирикуви ёки бир товуш эканлигини кўрсатади. Тингловчи ва сўзловчи учун сўзнинг айтилиши объектив ҳақиқатдир. Бироқ сўзнинг фақат айтилиши уни изоҳлай олмайди. Сўзнинг айтилиши билан предмет ёки ҳодиса ўртасидаги боғланиш унинг маъносини юзага чиқаради. Бу алоқа, одатда, учбурчак шаклида кўрсатилади.

Мазкур қараш албатта барча сўзлар шундай тартибда тузилган, деган нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Чунки сўзнинг маъноси бизга бошқа бир предмет ёки ҳодисани эслатганидек, ўз навбатида, бирор нарса ҳам бошқа нарсани киши кўз олдига келти-риши мумкин. Чунки сўзнинг маъноси учун унинг айтилиши билан сўздан ташқарида бўлган тушунча ўртасидаги боғланиш зарур деб ҳисобланса, бир хил тушунчалар тилда бир хил тузилган деган хулосага келиш мумкин. Аслида эса сўзлар турли структура тузилишига эгадир. Шу туфайли сўзнинг предмет ва тушунча билан боғланишини шартли равишда қарамоқ зарур. Чунки барча сўзлар ҳам предмет, ҳодиса ёки белгининг номини атамайди, яъни ҳамма сўзлар номинатив функцияга эга эмас. Сўзлар ичида отлар (предмет), феъллар (ҳаракат), сифатлар (предмет белгиси) ва равишлар (ҳаракат белгиси) номинатив функция бажаради. Олмошлар махсус номинатив функцияни нутқ ситуациясида бажариши мумкин. Масалан, у ёки *улар* олмошлари истаган предмет ёки ҳодисани аташи мумкин. Лекин бу олмошларнинг номинатив функцияси нутқ ситуациясида ойдинлашади. Сонлар ҳам ўзича номинатив функция бажармайди, лекин *улар* отлашса, бу функцияга эга бўлади:

Учинчисини чақиринг каби.

Ёрдамчи сўзлар ҳам номинатив функция бажармайди. Бир мустакил сўзнинг номинатив функцияси доимо фақат бир предмет ёки тушунча, ҳаракат ёки белгига қаратилавермайди. Баъзан бир сўз бир қанча нарсаларга тегишли бўлиши мумкин. Баъзан эса аксинча, бир нарса бир қанча номлар билан аталиши мумкин. Масалан, *гул* сўзи гулнинг барча турларини, *дарахт* сўзи ҳам дарахтнинг барча турларини ифодалайди. Бироқ Бразилиядаги аборогенлар тилида тўтиқушнинг ҳар бир тури ўз номга эга. Ўзбек ва рус тилларида тўтиқушнинг ҳар бир тури алоҳида номга эга эмас. Ўзбек тилидаги «бўш вақт» тушунчаси инглиз тилида *spare time*, *free time*, *leisure* сўзлари билан ифода этилади. Инглиз тилида бу сўзлар маъносига кўра турлича ишлатилади. *Spare time* кечкурун ишдан кейин ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидаги бўш вақтни ифодалайди. *Free time* кун давомида иш ёки ўқишдан ҳолис бўлган бўш вақтни билдиради. *Leisure* сўзи дам олиш вақтини кўрсатади. Инглиз тилида дам олиш, танаффус қилиш, маданий ҳордик чиқариш маъноларини ифодалаган яна бир қанча сўзлар, жумладан, *recreation*, *rest*, *relaxation*, *amusement*, *entertainment* кабилар мавжуд. Бу сўзлар ҳам қўлланишига кўра фарқ қилади.

Сўзларнинг нутқ жараёнида ёки текстда ишлатилиш ўрни контекст деб аталади. Сўзларнинг маъноси контекст ёрдамида ойдинлашади. Тилдаги барча бирликлар (фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап) умумлаштирувчилик характериға эга. Сўзнинг абстракт табиати унинг бир қанча предмет, тушунча, ҳодиса ва белгиларга тегишли эканлиги билан изоҳланади. Бироқ сўз маъ-лум нутқ ситуациясида ёки контекстда ўзининг конкрет формасида намоён бўлади. Ҳар бир сўзнинг маъноси унинг материал — товуш жиҳатдан шаклланиб, маълум маънони ифодалашга қаратилган одам онгидаги ҳаракат ривожланишининг натижасидир.

Сўз ифода плани ва мазмун планига эга бўлиб, унинг алоҳида маънолари нутқ ситуациясида ёки контекстда аниқроқ очилади. Бу муносабатии куйидаги учбурчак шаклида кўрсатиш мумкин.



Тилшунослик нуқтаи назаридан сўз айтилиш ва маънонинг бирлигидан иборат. Бироқ сўзнинг предмет ва тушунчалар билан боғланиши ҳисобга олинса, у борлиқдаги бирор нарсанинг одам онгидаги инъикоси бўлиб, бу инъикос тафаккур ёрдамида тил орқали амалга оширилади. Шу сабабли сўз бирор тушунча, предмет, ҳодиса ёки белгини ифодалай олади. Лекин сўз тушунча ва предметнинг айнан ўзига ҳеч вақт тўғри келмайди. Сўз бирор предметнинг номини аташ орқали шу типдаги барча нарсаларга тегишлидир. Масалан, *пахта* сўзи унинг барча тур ва навларига тегишлидир, яъни умумлаштириш характерига эга. Бироқ бу сўз бошқа сўзлар билан бирикиб ёки маълум аффикс қўшилиши билан конкрет маънони ифодалай олади. Бу ўринда сўзларнинг конкрет маънога эга бўлишида грамматика катта роль ўйнайди. Демак, сўзнинг лексик маъноси билан грамматик маъносини фарқламок зарур. Айрим олинган сўзга тегишли бўлиб, бошқа сўзлардан фарқлай олувчи маъно шу сўзнинг **лексик маъноси** деб юритилади. Сўзнинг лексик маъноси биринчи навбатда ўша сўз ўзагининг маъноси билан боғлиқ бўлади ва ҳар қандай аффикс қўшилганда ҳам сақланиб қолади. Масалан, *яхши*, *яхшилик*, *яхшиликча* каби сўз формаларининг барчаси «яхши» маъносини ифода этган. Бу

ўринда *яхши* сўзининг лексик маъноси уни бошқа сўзлардан (масалан, *ёмон* сўзидан) фарқлашга хизмат қилади.

Нутқда ҳар қандай мустақил сўз формаси лексик маънодаи ташқари, грамматик маънога эга бўлади. Масалан, *ишимиздан, келтирди* сўзларидаги *иш* ва *кел* сўзлари ўз лексик маъносидан ташқари предметлик ва ҳаракат маъноларини ифода қилади. Бу уларнинг грамматик маъносидир. Бу сўзлардаги **-имиз, -дан, -тир, -ди** аффикслари турли грамматик маъноларни ифодалайди.

Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносига қўшимча орттирилган маънодир. Сўзнинг грамматик маънолари грамматикада ўрганилади.

Сўзлар ўзларининг лексик ва грамматик маънолари билан фарқ қилади.

Атоқли ва турдош отлар нутқда қўлланилишига кўра фарқланади. Турдош отлар предмет ёки ходисани аташдан ташқари, уларни бирор гуруҳ ёки тиига киришини ҳам ифодалай-ди. Атоқли отлар эса маълум шахс, шаҳар, кишлоқ ва бошқа нарсаларни шу тиидатилари ичидан ажратиб кўрсатиш, уларнинг алоҳида индивидуал хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади. Шу сабабли, одатда, икки бир хил исмли шахсни аралаштириб юбормаслик учун *катта Маҳмуд* ва *кичик Маҳмуд* иборалари ҳам қўлланади. Бу жиҳатдан тил фақатгина тушунчаларни умумлаштирувчи восита бўлмай, уларни фарқлаш воситаси сифатида инсоннинг амалий фаолиятида жуда катта роль ўйнайди.

Барча сўзлар ўз айтилиши, яъни товушлар бирикмаси ёки бир товушдан иборат бўлган материал томонига эга. Сўзнинг материал томони у ифода этган предметнинг белгиси деб аталади. Тил эса шундай белгиларнинг алоҳида системаси деб қаралади. Тилдаги белгилар ҳаётдаги бошқа белгилардан, жумладан, кўча қатновига оид белгилар ва сигналлардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу белгилар шартли қабул қилинган бўлиб, тез ўзгариши мумкин. Сўзнинг айтилиши эса шартли эмас, у одамларнинг хо-ҳиши билан пайдо бўлмаган. Сўзнинг талаффузидаги ўзгаришлар тилнинг тарихий ривожланиш қонуниятлари ва одамлар нутқида ишлатилиш хусусиятлари асосида рўй беради.

Сўз маъносининг предметга алоқаси **денотатив** алоқа, **сўз атаётган** предмет денотат ёки референт деб аталади (латинча *denotatum* — **кўрсатувчи**, инглизча *refer* — **алоқадор**). Сўз маъносининг тушунчага муносабати сигнификатив алоқа (латинча *signifikatum*—«белги»), тушунчанинг ўзи **сигнификат** деб юритилади. Бир сўз маъносининг бошқа сўзнинг маъносига муносабати структурал алоқа дейилади. Бундай алоқа натижасида турли сўзлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади ва сўзлар ҳар хил гуруҳ ва типларга ажратилади.

Сўз маъносига доир юқоридаги маълумотларни схемалар ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин.¹⁹

Сўз маъносининг асосий функциялари. Маъно₁ — предмет₁ (ёки маъно₂—предмет₂)—денотатив функция; маъно₁ — тушунча₁ (ёки маъно₂—тушунча₂)—сигнификатив функция; маъно₁—маъно₂ (ёки маъно₂—маъно₁)—структурал функция.

Тилнинг мазмун планида сўзнинг асосий маъноси семема термини билан аталади, ифода планида эса лексема деб юритилади. Тилнинг ифода ва мазмун планлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолатда қаралади.

Сўзнинг маъноси унинг бир қанча конкрет маъноларининг йиғиндисидан, яъни схемалардан ташкил топади. Масалан, *бормоқ, юрмоқ, чопмоқ, келмоқ, қадам* турли лексемалар бўлиб, «ҳаракат қилмоқ»ни кўрсатувчи семемага бирлашади. Аммо бу сўзларнинг ҳар бири алоҳида семасига эга. Семалар бир сўзнинг маъносини бошқа сўзлардан фарқлаш учун хизмат қилади. Семалар предмет ва ҳодисаларга тегишли бўлган ташқи ва ички белгилар ёрдамида ва улар нутқ ситуациясида ойдинлашади. Баъзан бир сўз маъно жиҳатидан турлича вариантларга эга бўлиши мумкин. Бунда сўзнинг ўзаги, унинг морфемик состави ҳам варинтлашади ва бу лексик-семантик ҳамда стилистик фарқланишга олиб келади. Масалан, *курс* сўзи (I—V *курс студентлари*) *назарий* ва *амалий курс (дарс)* маъноларида вариантлашади ва улар лексемалар деб юритилади. *Синф* сўзи ҳам *ишчи* синфи ва I—X

¹⁹ Б. Н. Головин. Введение в языкознание. Изд. «Висшая школа», М., 1977, стр. 72.

синф ўқувчилари каби вариантга эга. Бундай сўз вариантларининг маънолари нутқ ситуацияси билан боғлиқ бўлади. Сўзнинг лексик маъноси доирасига унинг коннотатив (латинча *con* — «бирга», *notatio* — «кўрсатиш») яъни кўшимча маъноси ҳам киради ва у сўз экспрессив бўёқ ва стилистик оттенка берувчи аънони англатади. Масалан, *Чехраси очик. Башарасини кўрмай*. Бу гапларда *чехра* ва *башара* ўзларининг лексик маъноси (юз, бет) дан ташқари коннотатив маъно (ижобий ва салбий муносабат) ҳам ифода қиляпти. *Калла* ва *табассум* сўзлари ҳам мана шундай хусусиятга эга.

Сўзларнинг коннотатив маънолари тилшуносликнинг стилистика бўлимида, аниқроғи, лексик стилистикада ўрганилади.

Сўз маъносининг мотивацияси

Буюк тилшунос Вильгельм фон Гумбольдт ўз даврида: «... сўздаги товушлар билан маъноларнинг пайвандлашуви қай тарзда ва даражада рўёбга чиқиши биз учун ҳозирга қадар жумбоқлигича қолмоқда», - деб таъкидлаб ўтган эди. Албатта, сўзнинг товуш танаси билан унинг маъноси орасида қандай муносабат борлиги мотивация муаммоси билан боғлиқ.

1. Кўплаб ўзак сўзларда мотивация муносабатлари сезилмайди. Маълум тилда гапирувчилар учун сўзнинг шакл ва маъноси ўртасидаги муносабат табиатан берилган ҳол деб қабул қилинади. М.: Baum, Gras, Art и.а.

2. Аффикслар ҳамда сўзлар қўшилиши асосида ясалган сўзларда мотивация мавжуд. М.: ўзак ва суффикс асосида ясалган Lehrer сўзи Lehr- ўзаги ҳамда –er суффикси ёрдамида ясалган ва маъно мотивациясига эга, яъни маълум касб эгаси ҳақида маълумот берилмоқда.

3. Wandzeitung қўшма сўзи Wand ҳамда Zeitung сўзлари асосида ясалган ва мотивацияга эга.

Мотивацияга эга бўлган ва мотивацияга эга бўлмаган сўзлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Мотивацияга эга бўлмаган сўзлар

(Wörter mit nichtmotivierter Bedeutung)

Мотивацияга эга бўлган сўзлар

(Wörter mit motivierter Bedeutung)

schreiben

kaufen

gehen

der Tisch

leicht

das Schreiben

der Käufer, der Einkauf

der Gang

der Tischler

erleichtern

4. Сўз маъносининг семантик мотивацияси тўлиқ берилиши жуда мушкул масала. Чунки, денотатнинг асосий ёки иккинчи даражали хусусиятлари ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, итнинг «вовуллаш» хусусияти ҳар хил тилларда ҳар хил товушлар мотивацияси орқали берилиши мумкин:

олмон тилида: wau-wau

рус тилида: тяф-тяф, гав-гав

инглиз тилида: bow-bow

итальян тилида: bu-bu

француз тилида: oua-oua (wa-wa)

ўзбек тилида: вов-вов, хов-хов

5. Сўзнинг морфологик мотивацияси унинг морфологик ассоциацияси тахмини, фараз асосида юзага келади.

Масалан: Bruder – brüderlich

Plan - Arbeitsplan, Stundenplan

backen- Bäcker, Bäckerei

6. Семантик мотивация кўшма идиомаларда қоронғулашган бўлади:

Масалан: die Schlafmütze – «уйқучи одам»

der Pantoffelherr – «хотинининг гапидан чиқмайдиган одам»

Ассоциативлик, яъни белги шакли ҳамда маъносининг ҳар хиллиги ва шу билан бирга узвий боғлиқлиги, мотивация масалалари Тео Шиппан томонидан алоҳида таърифланади. Унинг таъкидлашича белгилар қуйидаги мотивацияга эга:

1. Фонетик-фонемик мотивация (phonetisch-phonematische Motivation).
М.: quacken, schnattern, flimmern, schimmern, flattern

2. Морфемик мотивация (morphemische Motivation). М.: Liege, Türschloß, Tageslicht, himmelblau, blutrot, blutjung, Handtuch, Fensterfarbe, Hausbesuch

3. Семантик ёки фигуратив мотивация (semantische oder figurative Motivation). М.: Menü, Adresse, Mauerspecht, Wendehals ...

Психологик-идеалистик нуқтаи назардан келиб чиқиб В. фон Гумбольдт ҳар бир сўзнинг «ички формаси» (innere Form des Wortes) борлигини таъкидлайди ҳамда бу форма ҳар бир халқнинг «миллий руҳи» билан боғлиқлигига урғу беради. Л. Шевелёвнинг ёзишича: “W. Humboldt glaubte, daß Bewußtsein des Subjekts schafft den Gegenstand des Gedankens und sonderte das Grundmerkmal des geschaffenen Gegenstandes aus. Eine der Eigenschaften des Gedankens ist die innere Form des Wortes”.²⁰

Сўзнинг ички шаклини аниқлашда, албатта, унинг мотивацияси ҳамда этимологик маъносига эътибор берилиши лозим. Чунки баъзи сўзларда «ички форма» яққол сезилиб турса (lebendige innere Form), баъзиларида сезилмайди, улар «сўнган (қоронғу, аниқланмайдиган) ички форма», “tote innere Form” дейилади.

Маъно мотивацияси яққол сезилиб турган сўзларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: vierzehn, Geburtstag, Flieger, landen;

²⁰ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.47

коронги, аниқланмайдиган маъно мотивациясига эга бўлган сўзларга эса куйидагилар мисол бўла олади: Tisch (lat.), discus, Stufe, Ohr, Wald, Berg, Geburt (ahd.).

«Ички форма» «сўнган (коронгу, аниқланмайдиган)» сўзлар И.Г.

Ольшанскийнинг ёзишича учта факторга бориб такалади:

Уларни айнан бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Die Verdunkelung des Etymons ist auf folgende drei Faktoren zurückzuführen:

- 1) Verschwinden von Wörtern aus dem selbständigen Sprachgebrauch;
- 2) verschiedene fonetische Veränderungen im lautlichen Bestand des Wortes, die zur Veränderung seiner äußeren Form führen;
- 3) der Bedeutungswandel.

In der Lexikologie werden drei Arten von Motivation abgegrenzt (vgl. Schippan, 1975, 56—61): 1) **fonetisch-fonologische** (natürliche) Motivation. Dazu gehören lautmalende, schallnachahmende Wörter (die Onomatopoetica): *der Kuckuck* / *das Töff töff* (ugs. scherzh.) — kleines Auto; *bellen*, *gackern*, *kichern*; *wau wau* (Nachahmung des Hundegebells); *kikeriki* (Nachahmung des Hahnenschreis); 2) **morphematische** (morphologische) Motivation, bei der sich die Gesamtbedeutung aus den Morphembedeutungen ergibt: *die Straßenbahnhaltestelle*-, *der Schreibtisch*; *die Erziehung*. Es gibt auch „idiomatische Wörter“: *der Kindergarten* (ist kein Garten), *das Handtuch* (kein Tuch nur für die Hände); 3) **semantische** Motivation, die bei der Mehrdeutigkeit, bei der Entwicklung einer Neubedeutung vorkommt: *die Wende* im Sinne „Wiedervereinigung Deutschlands“, *die Adresse* (in der Computertechnik — Zahl oder Symbol zur Kennzeichnung einer Speicherzelle).

Wenn die historisch adäquate innere Wortform nicht mehr eindeutig zu erkennen ist, entsteht auf Grund begrifflicher oder lautlicher Angleichung an durchsichtige Wörter und Wortelemente eine neue Etymologie, die *Vo 1 k s e t y m o 1 o g i e*, oder *F e h 1 e t y m o 1 o j ? i e*. So wird z. B. im Substantiv „der Meineid“ (*лжеклятва, Ложная присяга, клятвопреступление*) das erste

Element irrtümlicherweise mit dem Possessivpronomen „mein“ assoziiert, was aber mit ihm nichts gemein hat, da es sich aus dem ahd. Adjektiv „mein“ in der Bedeutung „falsch“ entwickelt hat.

Сўзнинг асосан қуйидаги маъно аспектилари фарқланади:

1. Сўзнинг денотатив маъно аспекти, яъни сўзнинг асосий маъно тўплами (der Umfang der Bedeutung in der Grundbedeutung). М.: der Kopf - бош
2. Сўз маъносининг сигнификатив аспекти, яъни сўзнинг мазмуни (der Inhalt der Bedeutung). М.: der Kopf = “der Weise” – «калла», «доно», «ақлли».
3. Сўзнинг коннотатив аспекти, яъни сўзнинг қўшмча маънолари, маънонинг ўзига хос эмоционал-экспрессив хусусиятлари (die zusätzliche Bedeutung, Bedeutungsschattierungen, emotional-expressive Bedeutung). М.: Gesicht – Antlitz – Visage – Fratze - юз – бет – афт – башара – шихт – äүхт – турк ва ҳк.

Сўзнинг юкоридаги маъно аспектилари тарихий ходиса бўлиб, жамият томонидан тан олинган, тил структурасида мавжуд ҳамда луғатларда муҳрланган.

Сўзларнинг тарихий маъно хусусиятларини ўрганишда «халқ этимологияси» (Volksetymologie) тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, чунки баъзи сўзлар тарихий маъносидан узилган бўлиб, уларнинг шаклий ўхшашлиги баъзан хато ҳукм чиқаришга олиб келади. М.: der Friedhof – қадимда ҳимоф қилинган жой маъносига эга бўлган, ҳозирги кунда “Fried” – тинчлик ҳамда “Hof” – die “Stätte” сўзлари билан асосланади, яъни “der Ruheplatz” – тинч жой маъносига эга.

Lebkuchen – коврига сўзи маъноси ҳақида Л.Шевелёва шундай изоҳ беради: der erste Teil des Wortes “Lebkuchen” ist nicht mit “Leben”, sondern mit der alten Bezeichnung für “geformtes Brot-Leib (коврига) verwandt”.²¹

²¹ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. М., 2004, S.47

IV. ХУЛОСА

Сўз – интуитив берилган, тайёр ҳолда кундалик мулоқотда қўлланиладиган лингвистик бирлик тушунчасидир.

Сўз тушунчанинг тил орқали ифода этилиши демакдир. Тушунча сўзда маъно кўринишида зоҳир бўлади, маъно эса сўзнинг мазмун асосидир (Inhalt)

Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзига хос фонетик, морфологик ҳамда семантик хусусиятларга эга бўлгани каби, олмон тили лексик системасининг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд.

I. Фонетик нуктаи назардан олмон тилида сўзлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Олмон тилида сўзлар марказлашган, морфологик боғланган урғуга эга:

а) бош урғу – die Hauptbetonung

б) иккинчи даражали урғу – die Nebenbetonung

в) кучли урғу – die starke Betonung

г) кучсиз урғу – die schwache Betonung

Ушбу урғулар сўзнинг фонетик яхлитлигини ифодалайди.

2. Ундошлар сўзнинг охирида жарангсиз (stimmlos) талаффуз этилади.

3. Унлиларнинг сўз бошида кучли талаффуз қилинади (der feste Einsatz, “der Knacklaut”)

4. Олмон тилида баъзи сўзлар борки, уларда урғу негизга боғланган эмас, балки сўзларга ажралувчи ва ажралмайдиган префикслар, баъзи суффикслар қўшилиши билан урғунинг ўрни ўзгаради.

Олмон тили лексик ҳамда грамматик морфемалар системасидан ташкил топади. Улар бир-бири билан узвий алоқадордир. Ўзак морфема ҳамда сўз ясовчи морфемалар (das Wurzelmorphem und das Derivationsmorphem) сўзнинг негизини ташкил қилади.

Агар бир қанча негизлар қўшилса, қўшма сўзлар ҳосил бўлади. М.: Unfallschadenküperbehindertenbeschäftigungstherapeut (Arzt) – Therapeut, der

dem Behinderten eine leere Arbeitsstelle zu finden versucht). Нутқ жараёнида грамматик ва лексик морфемалар кўшилиб кетади.

Ҳар бир халқнинг яшаб турган жой шароити, тарихий тараққиёти, моддий-маънавий, диний-руҳий дунёси таъсирида ўзига хос маънога эга бўлган сўз ва иборалар шаклланиши мумкин. Шу боисдан баъзи бир сўз ва иборалар маълум халқнинг урф-одатларини ифодаловчи ёғорлик сифатида хизмат қилади.

Ҳар бир даврнинг ижтимоий воқелиги, яратилган предмет ва ходисалари, кашфиётлари, табиатга бўлган муносабатларини ифодаловчи ўз сўзлари мавжуд. Демак, ҳар бир тилда ўзига хос маъно ифодаладиган сўзлар оз эмас.

Ҳар қандай сўзнинг ўзига хос маъно доирасига эга эканлигини кўпроқ шу сўзни бошқа хорижий тил сўзлари билан қиёслаганда билиб олиш мумкин.

Ўзбек тилидаги **савоб** сўзининг маъно дунёси билан бошқа тиллардаги ушбу сўзга эквивалент ҳисобланган сўзлар маъносини таққосласак, улар орасида қанчалик фарқ борлиги маълум бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Ўзбекситон миллий энциклопедияси, 1997. 173 бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият; 2008
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”; 1997 йил 29-август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1997. 17-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил. 29-август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. -Т.: Шарқ, 2001. - 3-б.
5. Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. Андижон 2010. 152 бет.
Андижон 2010. 152 бет.
6. Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси.
Андижон 2010. 152 бет.
7. Умархўжаев М.Э., Назаров Қ.Н. Deutsch – russisch – usbekisches phraseologisches Wörterbuch. Тошкент, 1994. 236 бет.
8. Умархўжаев М.Э. Инглизча – олмонча – ўзбекча тематик тасвирий луғат.
Андижон 2012. 323 бет
9. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 2007
10. A. Nurmonov. Hozirgi o'zbek tilshunosligining dolzarb muammolari kursi bo'yicha ma'ruzalar matni. Andijon, 2007.
11. Андижоннома, 15 декбр 2012 йил
12. У. Турсунов, А. Мухоторов, Ш. Рахматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Ўзбекистон, 1992. 400 бет
13. Харрис З. Метод в структурной лингвистике. М., 1951
14. Г. Глисон. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959.
15. Чикобава А.С. Проблемы языка как предмета языкознания. М., 1959

16. Н. Х о м с к и й. Синтаксические структуры; Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре. «Новое в лингвистике». Вып. II. М., 1962.
17. Основные направления структурализма. М., 1964.
18. Кодухов В.И. Методология науки и методы лингвистического исследования. С-П., 1967.
19. Кодухов В.И. Методология науки и методы лингвистического исследования. С-П., 1967.
20. Л. Блумфильд. Язык (перевод с англ.). М., «Прогресс», 1968.
21. Общее языкознание. Отв. редак. акад. АН СССР Б.А. Серебренников, М. 1970.
22. С. Усмонов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1972.
23. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1973.
24. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. М., «Наука», 1973.
25. Л. Н. З а с о р и н а. Введение в структурную лингвистику. М., «Высшая школа», 1974.
26. Ю.С. Степанов. Основы общего языкознания. М., 1975.
27. Ю.С. С т е п а н о в. Принципы и методы современной лингвистики. М., 1975.
28. Н.А. Баскаков Умумий тилшунослик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1979.
29. А. Содиқов в.б. Тилшуносликка кириш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1981.
30. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1984
31. В.И. Кодухов. Введение в языкознание. Москва, 1987.
32. О. Азизов. Тилшуносликка кириш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
33. И. Йўлдошев, Ў. Шарипова. Тилшунослик асослари. Тошкент, “Иқтисод-молия, 2007.
34. Б. Менглиев, Г. Тожиева. Тилшуносликка кириш. Ўзбек филологияси бакалаври учун маърузалар матни. Қарши, 2007.

35. Бердиёров Х., Хўжаев Т., Йулдошев Б. Умумий тилшунослик. Т., 1990.
36. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. М., 1973.
37. Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию.
38. www.google.de.
39. www.Ziyonet.uz.